Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши № 285 (13.547).

16 ДЕКАБРЬ 1966 йил ЖУМА

Баҳоси 2 тийин.

ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ!

ЕТТИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

Ватанимиз Улуғ Октябрнинг эллигинчи йилига куч ва қудратга тўлиб тошган ҳолда қадам қўйди. СССРнинг ярим асрлик тарихини тугаллаган бу шонли сана совет кишиларининг ҳозирги ишлари ва режаларига алоҳида оҳанг бағишламоқда.

Қашшоқ ва кучсиз Русьдан Октябрь вужудга келтирган қудратли кўп миллатли социалистик давлат ўсиб етишганлигини ҳозир айниқса равшан кўриш мумкин. Владимир Ильич Ленин социалистик давлатнинг шундай бўлишини олдиндан кўра билган эди. У бундай деган эди: «Русьни ҳақиқатан ҳам қудратли ва фаровон Русь қилиш учун бизда табиий бойликлардан, етарли миқдордаги кишилардан ва буюк революция натижасида халқ ижодининг ажойиб суратда кенгайишидан иборат бўлган материал мавжуддир».

Бизнинг партиямиз, халқимиз Ленин васиятларини амалга ошира бориб, Советлар мамлакатининг қудратини оғишмай мустаҳкамламоқда. КПСС XXIII съезди янги зафарлар йўлини белгилаб берди. Мамлакат беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли тугалламоқда.

Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг 15 декабрь эрталаб Катта Кремль саройи залида очилган иккинчи сессияси ўтган йил ичида қилинган иш якунларини, юбилей, 1967 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш планларини муҳокама қилмоқда.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси **Ю. И. Палецкис** раислигида Миллатлар Советининг мажлиси бўлди.

Мажлисда **А. Я. Пельше, А. Н. Шелепин, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Б. Н. Пономарев** ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Раислик қилувчининг таклифига биноан, сессия қатнашчилари шу йил декабрь ойида вафот этган Миллатлар Советининг депутати И. А. Лавреновнинг хотирасини ўринларидан туриб эсладилар.

Шундан кейин депутатлар сессиянинг кун тартибини ва иш тартибини тасдиқлашга киришдилар. Якдиллик билан қуйидаги кун тартиби қабул қилинди:

1. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йил Давлат плани тўғрисида.

2. СССРнинг 1967 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1965 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

3. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги давлат плани тўғрисидаги ҳамда СССРнинг 1967 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1965 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги докладларни Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлисида тинглашга қарор қилинди. План ва бюджет тўғрисидаги қўшимча докладлар палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлисларида муҳокама қилинади, шунингдек кун тартибидаги масалалар муҳокама қилинади.

Депутат **Н. А. Шчелоков** жамоат тартибини сақлаш министри қилиб тайинланганлиги ва министр сифатида Совет Иттифоқи ҳукумати составига кирганлиги муносабати билан сессия уни Миллатлар Советининг савдо ва маиший хизмат комиссияси раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мана шу комиссиянинг аъзоси депутат А. А. Смирнов (Ошмянский сайлов округи) савдо ва маиший хизмат комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Эрталаб соат 11 да Иттифоқ Советининг раиси **И. В. Спиридонов** раислигида Катта Кремль саройида еттинчи чақириқ СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг мажлиси бўлди.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, П. Е. Шелест, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, В. В. Шчербицкий, Ю. В. Андропов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, М. С. Соломенцев ўртоқлар мажлисда ҳозир бўлдилар.

И. В. Спиридоновнинг таклифига биноан депутатлар ва меҳмонлар СССР Олий Советининг вафот этган депутатлари Н. Г. Игнатов, А. П. Рудаков, В. Г. Комяхов, Е. П. Брачкине, В. Я. Янсон хотирасини ўринларидан туриб ҳурмат билан эсладилар.

Раислик қилувчи еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясидан кейин ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига уч сайлов округидан Иттифоқ Советига депутатлар сайлаш ўтказилганлигини айтди. Мандат комиссияси янгидан сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириб чиқди.

Палата Мандат комиссиясининг раиси депутат **Н. Н. Родионов** ана шу масала юзасидан доклад қилди. Иттифоқ Советининг депутатлари Мандат комиссиясининг доклади бўйича қарор қабул қилдилар. Улар бу қарорда 1966 йил 11 декабрда 449-Горловка сайлов округидан сайланган **В. Ф. Мозговойнинг**; 715-Шяуляй сайлов округидан сайланган **П. А. Маркуласнинг**; 733-Цесис сайлов округидан сайланган **Л. И. Авдюкевичнинг** депутатлик ваколатларини тўғри деб топдилар.

Иттифоқ Совети еттинчи чақириқ СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг кун тартиби ва иш тартибини бир овоздан қабул қилди.

ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

Кундуз соат 12 да Катта Кремль Саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси очилди.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, В. В. Шчербицкий, Ю. В. Андропов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, СССР ҳукуматининг аъзолари ложаларда пайдо бўлганларида депутатлар ва меҳмонлар уларни самимий кутиб олдилар.

Сессияда СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари иштирок этдилар. Балконда жуда кўп меҳмонлар бор эди.

Раислик қилувчи СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси **Ю. И. Палецкис** «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги Давлат плани тўғрисида» доклад қилиш учун СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат **Н. К. Байбаковга** сўз беради.

(Н. К. Байбаков доклади газетанинг 2 ва 3-бетларида босилган).

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат **Н. К. Байбаков** докладидан кейин СССР молия министри депутат **В. Ф. Гарбузовга** сўз берилади. У, СССРнинг 1967 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1965 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида доклад қилди.

(В. Ф. Гарбузов доклади газетанинг 3 ва 4-бетларида босилган).

Шу билан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси тамом бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Маориф министри Анвар Марасулович **Кўчқоров** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ПАРТИЯМИЗНИНГ ЛЕНИНЧА ЙЎЛИ

1966 йил 12-13 декабрда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Кун тартибидаги биринчи масала устида — «СССРнинг халқаро сиёсати ва КПССнинг коммунистик ҳаракат жипслиги учун кураши тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев доклад қилди. Шунингдек, Пленум СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги давлат плани лойиҳасини ҳамда СССРнинг 1967 йилги давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқди. Пленум мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг туб масалаларини ишчанлик ва принципиаллик руҳида муҳокама қилди. У партия фаолиятининг ленинча услубини ва методларини барқарор қилиш ва ривожлантиришда янги муҳим босқични бошлаб бердики, Марказий Комитетнинг 1964 йилдаги октябрь Пленуми мана шуларга қараб бурилиш ясаган эди.

КПСС Марказий Комитетининг ўртоқ Л. И. Брежнев доклади юзасидан қабул қилган қарори тўғрисида айтилаётган дастлабки фикрларинг ўзи ҳам СССРнинг ташқи сиёсати ва КПССнинг коммунистик ҳаракат жипслиги учун кураши соҳасида КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширишни давом эттириш борасида Пленум белгилаб берган чораларнинг жуда катта аҳамиятини кўрсатиб турипти.

Халқаро сиёсат проблемалари партиямизнинг ва партиямиз Марказий Комитетининг фаолиятида тобора кўпроқ ўрин олмоқда. Социализм, миллий озодлик, тинчлик ва демократик кучларнинг империализм ва реакция кучларига қарши кескин кураши ҳозирги халқаро аҳволнинг характерли белгиси бўлиб қолди. Ҳозирги халқаро аҳвол партиямиздан вужудга келаётган вазиятни чуқур илмий анализ қилишни, асосий йўлларнинг ҳаммасида актив иш олиб боришни талаб этмоқда.

Ўз вақтида В. И. Ленин, совет республикаси «ҳамма халқлар билан тинчликда яшашни ва ўзининг бутун кучини ички қурилишга сарфлашни истайди» деб қайта-қайта уқтириб ўтган эди. Партиямиз улуғ Ленин васиятларига содиқ бўлиб келмоқда. Унинг халқаро фаолияти КПСС XXIII съездида белгилаб берилган ташқи сиёсат вазифаларини — янги жамият қуриш учун энг қулай шарт-шароит таъминлаб бериш вазифаларини ҳал этишга қаратилмоқда.

Биз бошқа бир ҳолатни ҳам ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас. Социалистик давлатимизнинг қудрати ва жаҳоннинг ҳамма районларидаги воқеаларнинг боришига социалистик давлатимиз ўтказаётган таъсирнинг даражаси тобора ўсиб бормоқда. Бунда гап ўсиб бораётган имкониятларимиздан ялпи тинчлик ва хавфсизлик, миллий озодлик, демократия ва социал тараққиёт манфаатлари йўлида имкон борича тўлиқ ва ҳар томонлама фойдаланиш устида бораётир.

Марказий Комитет Пленуми бундай қарор қилди:

«Марказий Комитет Сиёсий бюросининг халқаро сиёсат ва жаҳон коммунистик ҳаракати сохасида партия XXIII съезди ишлаб чиққан йўлни амалга оширишга қаратилган сиёсий йўли ва амалий фаолияти бутунича ва тўла равишда маъқуллансин».

Кейинги даврда, айниқса КПСС Марказий Комитетининг 1964 йилги октябрь Пленумидан кейин социалистик система мамлакатлари билан қардошларча ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама дўстликни ривожлантириш борасида катта ижобий натижалар қўлга киритилди. Социалистик давлатлар билан, уларнинг коммунистик ва ишчи партиялари билан муносабатларимиз тобора мустаҳкамланмоқда ва самимийлашмоқда, социалистик мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги сиёсатини координациялаш доираси тобора кўпроқ кенгаймоқда, тажриба айирбошлаш, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Варшава шартномаси мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партиялар Марказий Комитетлари секретарларининг ва ҳукуматлар бошлиқларининг Варшава ва Бухарест кенгашларида қабул қилинган ҳужжатлар бу борада катта сиёсий аҳамиятга эга.

Социалистик мамлакатларнинг жипслигини империализмга қарши, ялпи революцион ишимизнинг талабаси учун муваффақиятли курашнинг энг муҳим шарти эканлигини ҳисобга олиб жаҳон социалистик системасининг жипслигини ва қудратини мустаҳкамлаш ҳозирги вазиятда ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлигини Пленум уқтириб ўтди. Бунда гап социализм мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни сиёсий йўл билан ҳам, иқтисодий йўл билан ҳам янада ҳар томонлама мустаҳкамлаш устида бораётир. Социалистик мамлакатларнинг миллий манфаатларини ва умуман, бутун социалистик ҳамдўстликнинг интернационал манфаатини ҳисобга олиш бундай ҳамкорликнинг негизи бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир айрим социалистик давлатнинг гуллаб-яшнаши бундан буён ҳам бутун жаҳон социализми қудратининг ўсиши, гуллаб-яшнаши билан бирга бориши лозим.

Миллий озодлик ҳаракати билан ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг муҳим масаласи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатимизнинг ёш, озодликка эришган мамлакатлар билан муносабатлари тобора мустаҳкам ва актив муносабатлар бўлиб қолмоқда. Ривожланишнинг нокапиталистик йўлини танлаб олган ёш миллий давлатлар билан СССРнинг муносабатларини ва алоқаларини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мустамлакачиликка қарши курашаётган халқларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай бериш, миллий озодлик кучлари билан иттифоқни мустаҳкамлаш йўлини оғишмай ўтказа бериш зарурлигини уқтириб ўтди. Шу халқлар билан дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш тинчлик ва миллий озодлик ишинги янги қудрат ва кучга эга бўлиб қолишини таъминлайдиган муҳим гаровдир, бу эса ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушаверади.

Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашига қаратилган ленинча йўл ўзининг ҳаётийлигини тўла равишда исботлаги, СССР ташқи сиёсатининг катта-катта муваффақиятлар қозонишини таъминлади. «Совет коммунизми агрессив» деган ёвуз афсоналарнинг тилка-пораси чиқди, реакцион империалистик доираларнинг макрли планларига жиддий зарбалар берилди. Бу муваффақиятлар жаҳон революцион миллий озодлик ҳаракатига катта мадад берди.

Пленум қарорида шу нарса кўрсатиб ўтилдики, «КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати империализмнинг агрессив кучларига қарши кураш олиб бориб, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча йўлни изчиллик билан ўтказиб, мамлакатимизнинг халқаро позицияларини янада мустаҳкамлашга эришдилар. Совет Иттифоқи умумий тинчлик ва халқлар хавфсизлигини ҳимоя қилишга, меҳнаткашлар оммасининг озодлик, тинчлик ва социал тараққиёт учун кураши ишига катта ҳисса қўшмоқда».

Халқаро сиёсатимиз муваффақиятларининг негизи аввало шундан иборатки, партия халқаро турмушнинг ҳамма воқеаларига нисбатан илмий, марксча-ленинча реалистик йўл тутмоқда. КПСС Марказий Комитетининг принципиал забардастлиги ва шу билан бирга Марказий Комитет йўлининг пишиқлиги сиёсатимизнинг халқаро тараққиётдаги ҳамма янги ҳодисаларни ҳисобга олиб боришига, турмуш қўйётган талабларга тез ва моҳирлик билан жавоб қилишига имконият бермоқда.

Ҳозирги вақтда тинчлик кучлари империализмнинг, биринчи галда Америка империализмининг, шунингдек Германия Федератив Республикасидаги реваншчи доираларнинг агрессив кирдикорларига қарши айниқса шиддатли кураш олиб бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз қарорида бундай деб ёзиб қўйди: «Империализмнинг урушқоқ кучларига ва уларнинг бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашиш ва ҳарбий низоларни авж олдириш сиёсатига бундан буён ҳам қаттиқ зарба бериб туриш зарур». Бу — Совет Иттифоқининг бузилмас ва қатъий позициясидир.

Ҳозир Вьетнамда социализм ва миллий озодлик кучлари империализм кучлари билан айниқса кескин тўқнашмоқда. Кейинги ҳабарлар Американинг Вьетнам халқига қарши агрессиясини кенгайтириш янги босқичга кўтарилганлигини, Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти Ханойни вахшиёна бомбардимон қилаётганлигини кўрсатиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бу жуда муҳим масалаларни бизнинг принципиал позициямизни тўла равишда таъкидлади. Совет халқи Вьетнам халқи томонида турибди. Совет давлати Вьетнам халқининг АҚШ империалистларининг жинояткорона агрессиясига қарши қаҳрамонона курашини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлай беради. Вьетнам халқининг озодлик кураши бутун прогрессив инсониятнинг манфаатларига бутун дунёда тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Бундай вазиятда Хитой компартияси ва Хитой Халқ Республикаси раҳбарларининг позицияси ва ҳаракатлари айниқса ҳунук бўлиб кўринмоқда. Улар Америка агрессиясини даф қилмоқ учун барча антиимпериалистик кучларнинг бирлик фронтини тузишга йўл бермаётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ва Совет ҳукуматининг КПСС билан Хитой Компартияси ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасидаги йўлини ва амалий фаолиятини тўла равишда маъқуллади. Хитойдаги кейинги воқеалар, Хитой Компартияси Марказий Комитети 11 пленумининг қарорлари, Мао Цзэдун ва группасининг советларга қарши буюк давлатчилик сиёсати янги, хатарли погонага ўтганлигини кўрсатиб турибди. Хитой Компартиясининг ҳозирги раҳбарлари халқаро майдонда ўтказиб келаётган йўл, уларнинг социалистик мамлакатларга нисбатан сиёсати: партиямиз ва совет халқига қарши душманлик кампанияси ва халқаро коммунистик ҳаракатдаги бузғунчилик ишлари — мана шуларнинг ҳаммаси марксизм-ленинизмга сира ёпишмайдиган ишлардир. Бундай сиёсат, бундай ҳаракатлар социализм, халқаро ишчи ва озодлик ҳаракати манфаатларига, Хитой халқининг ўзи эришган социалистик ғалабаларга зарар етказмоқда ва объектив равишда империализмга ёрдам бўлиб тушмоқда.

Марказий Комитет Пленуми партиямизнинг Хитой Компартияси билан, Хитой Халқ Республикаси билан дўстлик ва интернационал бирдамликни таъминлашга қаратилган йўли қатъий йўл эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга Пленум ҳозирги Хитой раҳбарларининг ленинизмга қарши ва буюк давлатчилик, миллатчилик йўлини кескин равишда фош қилиб ташлаш, марксизм-ленинизмни, 1957 ва 1960 йиллардаги Москва кенгашларида ишлаб чиқилган бош йўлни ҳимоя қилишга қаратилган курашни кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтди. Партиямиз, совет халқи жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, Европада ва бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлини қатъият ва изчиллик билан ўтказиб келмоқдалар.

Барча коммунистик ва ишчи партияларни марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида жипслаштириш учун кураш ҳозирги вазиятда алоҳида аҳамият касб қилмоқда. Ҳозир жаҳонда 50 миллионга яқин қурашчиларни ўз сафларида бирлаштириб турган 90 га яқин коммунистик партиялар бор. Булар ҳамма қитъаларда фидокорона курашмоқдалар. Бу шу қадар катта кучки, агар бу куч жипс бўлиб ҳаракат қилса, жаҳон воқеаларининг боришига тинчлик ва социализм манфаатларини ҳисобга олиб, тобора кўпроқ таъсир ўтказа бериши мумкин.

Бутун дунё коммунистларининг сафларини янада жипслаштириш империализмга қарши, тинчлик ва халқлар озодлиги учун олиб борилаётган бутунги кураш нуқтаи назаридан ҳам, шунингдек ишчилар синфининг тарихий мақсадлари учун, коммунизм ғалабаси учун кураш нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳим вазифадир. Бизнинг партиямиз коммунистик сафларнинг жипслигини мустаҳкамлашга ҳамиша жуда катта эътибор бериб келди ва бундан буён ҳам бунга жуда катта эътибор беражак.

Бу борада бизнинг партиямиз халқаро коммунистик ҳаракатнинг бош йўлидан келиб чиқаётган формалар ва методларнинг ҳаммасидан фойдаланиш зарур деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитети қардош партиялар ўртасида икки томонлама асосда ҳам, шунингдек кўп томонлама асосда ҳам алоқаларни янада ривожлантира беришга ўзининг тайёр эканлигини неча марталаб уқтириб ўтди.

Коммунистик ҳаракат ўз моҳияти эътибори билан чуқур интернационал ҳаракатдир. Бу ҳаракат «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган ўлмас шиор билан бирга туғилди. У, интернационализм байроғини ҳамма бўронлар ва синовлардан олиб ўтиб, жаҳоншумул тарихий ғалабаларга эришди. 1957 йилги Москва кенгашининг қатнашчилари, ҳозирги замон шароитида раҳбар арбобларнинг учрашувларини ўтказиб туриш ва икки томонлама асосда бир-бирларига ахборот бериб туришлари билан бир қаторда зарурат бўлиб қолганида коммунистик ва ишчи партияларнинг актуал проблемаларни муҳокама қилмоқ учун, тажриба айирбошламоқ, бир-бирларининг фикрлари ва позициялари билан танишмоқ учун, муштарак мақсад бўлган тинчлик, демократия ва социализм йўлида биргаликда олиб борилаётган курашни бир-бирлари билан келишиб олмоқ учун тагин ҳам кенгроқ кенгашларни ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади, деган хулосага келганликлари ҳам жуда табиийдир.

Бу хулоса ҳозирги кунда ҳам ўзининг бутун кучини сақлаб қолмоқда. Жипслиққа ва ҳаракат бирлигига интилиш ҳозирги коммунистик ҳаракатнинг энг характерли белгисидир. Бу нарса КПСС XXIII съездида зўр куч билан намойиш қилинди. Болгария Коммунистик партиясининг ва Венгрия социалистик ишчи партиясининг яқинда бўлиб ўтган съездларида янги халқаро кенгаш учун қулай шарт-шароит етилиб келаётганлиги уқтириб ўтилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қардош марксчи-ленинчи партияларнинг ҳозирги вақтда коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг янги халқаро кенгашини ўтказиш учун қулай вазиятлар вужудга келмоқда, деган фикрига кўшилди. Қардош партиялар бир-бирлари билан маслаҳатлашиб, бу кенгашга яхши тайёргарлик кўришлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Совет ҳукумати тинмай иш олиб бораётганликлари, чуқур илмий, принципиал ленинча йўл тутаётганликлари халқаро сиёсатимизнинг йўналишини, активлигини ва таъсирчанлигини тўғри белгилаб бермоқда. Партиямизнинг энг кенг активи халқаро ишга тортилган. Бунн бутун партия, бутун совет халқи қизғин қўллаб-қувватламоқда ва маъқулламоқда.

Совет Иттифоқининг халқаро сиёсати самарадор эканлигини таъминлаётган нарса шуки, бу сиёсат Совет давлатининг мустаҳкам қудратига таянмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқаро проблемалар билан бир каторда хўжаликни ривожлантиришнинг янги вазифаларини муҳокама қилиб, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги давлат плани лойиҳасини ҳамда СССРнинг 1967 йилги давлат бюджети лойиҳасини асосан маъқуллади. Пленум партия ташкилотларини, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларини ўзларининг бунёдкорлик меҳнатлари билан мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини тагин ҳам кўпроқ ошишга, партия программасида ва КПСС XXIII съездининг қарорларида белгилаб берилган коммунистик қурилишнинг буюк планларини муваффақиятли амалга оширишга чақирди.

Ватанимизнинг хўжалик муваффақиятлари, Ватанимиз маданияти ва фанининг ривожланиб бораётганлиги, омманинг турмуш даражаси юксалиб бораётганлиги мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги таъсирини ва обрўйини кўрсатувчи энг муҳим факторлар. Шу билан бирга мамлакатимизнинг иқтисодий қуввати мамлакатимиз мудофаа қудратининг негизидир. Шонли Куролли Кучларимиз фақат халқимизнинг тинчлигинигина эмас, шу билан бирга ялпи тинчликни ҳам қўриқлаб турибди. Куролли Кучларимизни мустаҳкамлаш совет халқининг халқаро хавфсизлик ишига катта ҳиссаси бўлиб қўшилади.

Марказий Комитет Пленумининг қарорлари партиямиз ва давлатимизнинг халқаро соҳадаги фаолиятининг жанговар программасидир. Лекин бу қарорлар шу билан бирга идеология соҳасидаги катта ишларнинг ҳам программасидир. Пленум қарорларининг ҳар бир моддаси, ҳар бир қондаси ҳамма коммунистларга, барча совет кишиларига тушунтириб берилиши лозим. Шу муносабат билан назарий фронт ходимлари зиммасига катта вазифалар тушади, улар ҳозирги замон жаҳон вазиятининг проблемаларини, халқаро сиёсатни, ишчи, коммунистик ва миллий озодлик ҳаракати проблемаларини чуқур ўрганишлари лозим.

Совет мамлакати Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини кутиб олишга тайёрланмоқда. Совет халқи бу шонли юбилейга тайёргарлик кўраётиб, ўзининг ижодий кучларини ошира беради, коммунизмга жамият қуришга қаратилган фаолиятини тагин ҳам кўпроқ активлаштиради. Улуғ ишимизнинг ғалабасига ишонганимиз ҳолда Ленин йўлидан бормоқдамиз.

(15 декабрдаги бош мақола).

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Америка империализми янги оғир жиноят қилди. Суверен социалистик давлат — Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти Ханой бомбардимон қилинди. АҚШ харбий-ҳаво кучларининг самолётлари 13 декабрда Ханойнинг Қизил дарё соҳилида жойлашган уй-жой кварталларига ҳамла қилдилар. Америка самолётлари 14 декабрда Вьетнам пойтахтининг аҳоли анч яшайдиган районларини яна бомбардимон қилдилар. Уй-жойлар вайрон бўлди, тинч аҳоли орасида ўлган ва ярадорлар бор.

Америка харбийлари Вьетнам халқига қарши агрессив уруш алангасини авж олдириб, кейинги вақтларда Америка 7-флотининг кемаларини Шимолий Вьетнам соҳилларига бўйлаб тўпламоқдалар. Американинг денгиз қароқчиларига кемаларга ҳужум қилиш ва Шимолий Вьетнам соҳилида жойлашган объектларни ўққа тутиш ҳуқуқи берилган.

Ана шу янги ёвузликлар халқаро вазиятни яна жиддий суратда кескинлаштиради.

Америка қўшинлари Вьетнам тупроғига босқинчилар сифатида, Вьетнам халқининг озодлиги ва мустақиллигини бузғунчилар сифатида келишди. АҚШнинг Вьетнам халқига қарши уруши Америка империализми агрессив сиёсатининг энг қабих кўринишидир. Бу халқаро ҳукуқни, инсон ахлоқ ва одамийлигининг ҳамма томонидан танилган нормаларини таҳқир этишдир. Бу ёвузликлар халқаро майдонда энг қаттиқ жавобгарликни тақозо этади. Соф виждонли ҳар бир киши бу ёвузликларга лаънат ўқимай қололмайди.

АҚШ сиёсатини белгилаб бераётган кишилар соғлом фикр юритганларида, Америка ҳарбийларининг мард Вьетнам халқининг озодлик ва мустақиллиги йўлидаги ҳаракатларини бостиришга ҳеч нарса ёрдам беролмаслигига ишонч ҳосил қилишлари керак эди. Вьетнам Демократик Республикасининг ўз ватанини ҳимоя қилишга отланган халқи ва шонли куролли кучлари Америка авиациясининг ҳужумларига муносиб зарба бермоқдалар. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари интервентларга қақшатқич зарба бермоқдалар.

Тинчликни қадрлаётган ва адолатни, халқларнинг озодлиги ва мустақиллигини ёқлаб чиқаётган кишиларнинг ҳаммаси Вьетнам халқининг ҳаққоний курашини зўр бериб қўллаб қувватламоқдалар. Совет ҳукумати, бутун совет халқи АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши янги агрессия хуружларини кескин қоралямоқдалар. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи қардош социалистик давлат — Вьетнам Демократик Республикасини қатъият ва изчиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Совет Иттифоқи Вьетнам халқининг Америка империализми жиноий агрессиясига қарши олиб бораётган қаҳрамонона курашини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай беради.

Вьетнамдаги урушни янада кенгайтираётган АҚШ ҳукумати шу йил июль ойининг бошида Бухарестда бўлиб ўтган кенгашда социалистик давлатлар томонидан қилинган огоҳлантиришни унутмаслиги керак. АҚШ агрессияни тўхтатиши лозим. Вьетнам халқигина Вьетнамга тааллуқли масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эгадир.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг борыши тўғрисида 1966 йил 15 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда ҳайдалган ер, учинчи стун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,9	101,4
САМАРҚАНД	—	100,6
Сирдарё	1,6	99,5
Бухоро	1,6	93,4
Қашқадарё	1,8	90,9
Андижон	1,4	90,2
Хоразм	0,8	89,2
Сурхондарё	3,1	78,1
Фарғона	1,7	67,9
ҚҚ АССР	0,5	22,0
Республика бўйича:	1,3	88,7

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ II СЕССИЯСИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1967 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. К. БАЙБАКОВ доклади

СССР Министрлар Совети, деди Н. К. Байбаков СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги давлат плани лойиҳасини СССР Олий Совети муҳокамасига киритмоқда. Янги халқ хўжалик плани беш йиллик иккинчи йилининг планидир. Бу планда мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини ривожлантириш соҳасида КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошириш туфайли 1966 йилда эришилган муваффақиятлар ўз ифодасини топган.

Беш йилликнинг биринчи йили — 1966 йил плани кейинги икки йилда Коммунистик партия ишлаб чиққан хўжалик-снёсий тадбирларнинг бутун бир системаси совет экономикасини ривожлантиришга тобора кўпроқ ижобий таъсир ўтказаётган бир шароитда бажарилмоқда, деди докладчи сўзини давом эттириб. Совет кишилари беш йиллик биринчи йилининг натижаларидан мамнун бўлишлари мумкин. Ҳамма республикалар ва министрликлар (СССР ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик министрлигидан ташқари) халқ хўжалик плани топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар. Йилнинг якунлари шуни кўрсатмоқдаки, халқ хўжалиги умуман партия XXIII съезди директиваларига мувофиқ равишда ривожланиб бормоқда.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги муваффақиятли ривожланмоқда, шунинг натижасида миллий даромадни кўпайтириш суръатлари белгиланган топшириқдан ортиқ бўлади ва 1965 йилга нисбатан тахминан 7,4 процент кўпаяди. Саноат ялпи маҳсулотининг ҳажми плондаги 6,7 процент ўрнига тахминан 8,4 процент кўпаяди. Плондан ташқари 5 миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш топшириқлари бажарилмоқда. 1966 йил мобайнида саноатдаги меҳнат унумдорлиги 5 процент ортади, маҳсулот таннархини камайтириш йўли билан чамаси 1,5 миллиард сўм жамғариб қолинади.

Бу йил саноатни бошқаришнинг янги формаларига ўтиш, саноат ишлаб чиқаришни планлаштиришнинг ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси жорий этила бошлаган йил бўлди. Янги системага ўтказилган 673 корхонадаги хўжалик фаолиятининг ижобий натижалари КПСС Марказий Комитети 1965 йилги сентябрь Пленумида қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини исботлаб турибди.

Бу йил қишлоқ хўжалик меҳнатчилари катта муваффақиятларга эришдилар. Улар қишлоқ хўжалик экинларидан, айниқса дон ва пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар, чорвачилик маҳсулдорлигини оширдилар. Давлатга шундан олдинги йилларнинг ҳеч бирида бўлмаган кўп миқдорда дон, гўшт, тухум ва пахта сотилди. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1966 йилда тахминан 10 процент кўпаяди. Бу натижалар оби-ҳаво шароити қулай келганлигидангина эмас, шу билан бирга КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март Пленуми қарорларига мувофиқ амалга оширилган иқтисодий тадбирлар самарадор бўлиб чиқанлигидан ҳам далолат берди.

Партия билан ҳукумат март Пленуми қарорларини бажара бориб харид нархларини оширганликлари, даромад солиғи ставкаларини ўзгартирганликлари, запас қисмлар, техника нархини камайтирганликлари ва бошқа тадбирларни кўрганликлари туфайлигина колхоз ва совхозлар 1966 йилда жами бўлиб тахминан 6,5 миллиард сўм наф кўрдилар.

Транспорт ходимлари ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Ҳамма турдаги транспортнинг юк оборотини ўстириш топшириқлари бажарилмоқда.

1966 йилда халқ турмушининг даражаси янада ошди. Ишчи ва хизматчилар олаётган ўртача ойлик пул иш ҳақи бир йил мобайнида уч процент кўпаяди. Колхозларнинг даромадлари кўпайганлиги ва бу йил меҳнатга гарантияланган тарзда ҳақ тўлаш жорий этилганлиги натижасида колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган даромадлари тахминан 14 процент ортади.

Аҳолини озиқ-овқат ва саноат товарлари билан таъминлаш анча яхшиланди. Уй-жой қурилиши янада ривож топди.

Ижтимоий истеъмол фондлари бир йил мобайнида 3 миллиард сўмликдан зиёд кўпайди ва 45,2 миллиард сўмни ташкил қилади. Уларнинг ҳаммаси реал даромадларни аҳоли жон бошига 6 процент кўпайтириш имконини берди, бу эса абсолют миқдор жиҳатидан планда мўлжалланганидан бир мунча кўпроқдир.

Аҳолига социал-маданий ва медицина хизмати кўрсатиш яхшиланди.

Докладчи шуни таъкидладики, биз 1966 йилги планнинг бажарилишини ижобий баҳолаш билан бирга камчиликларни ҳам кўришимиз лозим, бу камчиликларнинг тугатилиши бизга мавжуд резервлардан тўлиқроқ фойдаланиш ва тезроқ олга силжиш имконини беради. Халқ хўжалигида моддий ва молиявий ресурслар тежамсизлик билан, баъзан эса хўжасизлик билан ишлатилганлиги оқибатида ҳали катта-катта нобудгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Саноат корхоналарининг 17 процентдан кўпроғи ўзларига белгиланган планларни бажармаяпти. Шу корхоналар 1 миллиард сўмликдан ортиқ махсулотни кам ишлаб чиқарди. Бир қанча тармоқларда энг муҳим маҳсулотларнинг зарур миқдордаги турларини ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмай қолмоқда, асосий ишлаб чиқариш фондларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда, янги ишга туширилган қувватлар сусткашлик билан ўзлаштирилмоқда. Фан ва техника ютуқларини жорий этиш топшириқлари тўла бажарилмаяпти.

Раҳбарлик қилиш тармоқ принципига қараб қайта қурилганлиги саноатнинг ишига ижобий таъсир ўтказмоқда. Бироқ янгидан тузилган тармоқ министрликлари хўжаликни бошқаришни ҳали ҳам батамом қўлга олганлари йўқ, мавжуд резервлар ва имкониятларни етарли қидириб топмаяптилар ва улардан фойдаланмаяптилар.

Тақдим этилган 1967 йилги план, деди сўзини давом эттириб Н. К. Байбаков, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съездида қабул қилинган директиваларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Бу план иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари тақдим этган план лойиҳалари асосида тайёрланган. Халқ хўжалик плани СССР Министрлар Советида синчиклаб муҳокама қилинди ва КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида қараб чиқилди.

1967 йилда бизнинг мамлакатимиз экономикани ривожлантириш ва халқ турмуши даражасини ошириш соҳасида олга томон янги катта қадам ташлайди.

Планнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Саноатнинг техника тараққиётини таъмин этувчи тармоқларини устун даражада ривожлантириш ва ихтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш;

ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш негизида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш;

халқ хўжалиги тармоқларининг техникавий даражасини ошириш, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда ва анча юксак сифат кўрсаткичларига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда иқтисодий омилларнинг ролини кучайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва фойдани кўпайтириш;

капитал қурилиш ишини яхшилаш, капитал маблағларни энг муҳим қурилишларга ва объектларга ишлатиш, қурилиш муддатларини қисқартириш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш ва уларни ўзлаштиришни жадаллаштириш;

совет халқининг моддий ва маданий даражасини янада ошириш, уй-жой қурилишини ривожлантириш, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишини яхшилаш, аҳолининг товарларга ва хизматларга ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш;

мамлакатимиз мудофаасини янада мустаҳкамлаш юзасидан зарур тадбирларни амалга ошириш.

1967 йилда миллий даромад 6,6 процент, беш йилликнинг икки йили мобайнида эса 14,5 процент ортади. Реал даромадлар аҳоли жон бошига 5,5 процент, 1966—1967 йиллар мобайнида эса тахминан 12 процент кўпаяди. Миллий даромадни кўпайтиришнинг ва халқ турмуши даражасини оширишнинг планда кўзда тутилган суръатлари КПСС XXIII съездининг беш йиллик планга доир директиваларига мос келади ва ўтган беш йилликдаги ўртача йиллик суръатлардан юқори бўлади.

1967 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши 7,3 процент миқдорида кўпайтириш мўлжалланмоқда. Планда ишлаб чиқариш воситалари («А» группаси) ишлаб чиқариш билан истеъмол буюмлари («Б» группаси) ишлаб чиқариш суръатларини КПСС XXIII съезди директиваларида кўрсатилганидек янада яқинлаштириш кўзда тутилган. «А» группаси тармоқларининг маҳсулоти 7,5 процент, «Б» группаси тармоқларининг маҳсулоти эса 6,6 процент кўпаяди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми 4 процент, пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари бўйича халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағлар ҳажми 7,9 процент, чакана товар оборoти 7,4 процент ортади.

Биз шунга аминмизки, деди докладчи, 1967 йилги планнинг юқорида айтиб ўтилган асосий топшириқлари тўла ва ошириб бажарилади. Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг қулоч ёзган умумхалқ мусобақаси плани бажаришда муваффақиятлар қозонишнинг гарови бўлади.

Саноат тармоқларини комплекс ривожлантириш кўзда тутилганлиги 1967 йилги планнинг ўзига хос муҳим хусусиятидир. Ҳар бир министрликнинг плани шу тармоқни ривожлантиришнинг ҳамма асосий кўрсаткичларини ўз ичига олган. Шу билан бирга иттифоқдош республикалар ва иқтисодий районлар бўйича халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим кўрсаткичлари белгилаб берилган.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш умуман 7,3 процент ўсгани ҳолда, деди докладчи, энергетика, машинасозлик, химия, нефть химияси ва газ саноати анча юксак суръатлар билан ривожланиб, бу тармоқларнинг маҳсулоти 9-11 процент кўпаяди.

Электр энергия ҳосил қилиш 598 миллиард киловатт-соатга етказилади ва бир йил ичида 53 миллиард киловатт-соат миқдорида, ёки салкам 10 процент кўпайтирилади. Бунинг учун 10 миллион киловаттдан ортиқ ҳажмдаги янги электр станцияларнинг қувватларини ишга туширишга мўлжалланмоқда.

Ёқилғи саноати тармоқларини ривожлантириш халқ хўжалиги эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондириш ва ёқилғи баланси структурасини янада яхшилаш вазифаларига асосланиб белгиланган. Ёқилғи асосий турларини қазиб чиқаришнинг умумий ҳажмида нефть билан газнинг салмоги 1966 йилги 53,9 процент ўрнига 56 процентгача етказилади. Нефть чиқаришнинг 1967 йилга мўлжалланган абсолют миқдори 286 миллион тоннага, газ чиқаришнинг абсолют миқдори 160 миллиард кубометрга, кўмир қазиб олишнинг абсолют миқдори 591 миллион тоннага етказилиши ёқилғи саноатимизнинг ривожланиш кўламига нисбатан ҳаддан ташқари кичик турибди.

Нефть ва газ чиқаришнинг мўлжалланган даражасига эришмоқ учун тахминан 3,5 мингта нефть ва газ кон қудуқларини, умумий узунлиги 7,2 минг километр келадиган магистрал газ ва нефть қувурларини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Ўрта Осиё — Марказ газ қувурининг биринчи навбати, Усть-Балиқ—Омск нефть қувури ишга туширилади.

Кўмир саноатида умумий қуввати қарийб 21 миллион тонна бўлган шахта ва разрезларни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Халқ хўжалигини энергетика ва коксланувчи кўмир билан узлуксиз таъминлаб туриш, кўмирнинг сифатини янада яхшилаб, таннархини камайтириш кўмир саноати ходимларининг вазифасидир.

Докладчи қора металлургияни ривожлантириш устида алоҳида тўхталиб ўтди. Қора металлургия маҳсулоти ишлаб чиқариш анча қўпайтирилганлигича қарамай, мамлакатнинг металлга бўлган эҳтиёжлари ҳали ҳам тўлиқ қондирилмаяпти. Металлнинг етишмаётганлиги машинасозлик, нефть ва газ саноати, қурилиш сингари бир қанча ана шундай муҳим тармоқларни ривожлантириш суръатларига ҳалақит бермоқда. Шу муносабат билан қора металлургияни жадал ривожлантириш учун 1967 йилда бу тармоққа капитал маблағ сарфлаш қарийб 21 процент кўпайтирилади.

Планда пўлат эритишни 102,1 миллион тоннагача етказиш, ёки 5,3 процент кўпайтириш, прокат ишлаб чиқаришни 80,6 миллион тоннага етказиш, ёки тахминан 6 процент кўпайтириш ва пўлат трубалар ишлаб чиқаришни 10,5 миллион тоннага етказиш, ёки 6,4 процент кўпайтириш мўлжалланган. Прокат билан трубаларнинг структураси ва сифатини яхшилаш белгиланган.

Рангли металлургияда алюминий, мис, рух, қўрғошин ва бошқа рангли металлар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади.

Химия ва нефть химияси саноати юксак суръатлар билан ривожлантирилади. Пластмассалар ва синтетик смолалар ишлаб чиқариш тахминан 18 процент, химиявий толалар ишлаб чиқариш 9,1 процент, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 8,3 процент, синтетик каучук ишлаб чиқариш 10 процент, маиший химия товарлари ишлаб чиқариш 19 процент ортади. Химия маҳсулотининг турлари кўпайтирилиб, сифати яхшиланади. 1967 йилда химия ва нефть химияси саноатига 1966 йилдагига нисбатан тахминан 10 процент кўп капитал маблағ сарф қилинади.

Саноатнинг целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик, ёғоч-химия ва гидролиз тармоқлари бундан буён анча ривожлантирилади. 1967 йилда целлюлоза ишлаб чиқариш 14,8 процент, шу жумладан сунъий тола тайёрлаш учун вискоза ишлаб чиқариш 30 процент ортади. Картон ишлаб чиқариш 14,3 процент ва қоғоз ишлаб чиқариш 5 процент кўпаяди.

Иморатбоп ёғоч ташиб чиқиш 256 миллион кубометр ҳажмида мўлжалланади, ёки тахминан 2 процент ортади.

Докладчи айтдики, СССР ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги ва унинг корхоналари қониқарсиз ишлаганлиги натижасида бу йил халқ хўжалиги 8 миллион кубометрдан кўпроқ иморатбоп ёғочни кам олади. Министрлик 1967 йилда ёғоч ташиб чиқиш планининг сўзсиз бажарилиши учун чоралар кўриши зарур.

Халқ хўжалигининг жуда муҳим тармоғи — машинасозлик янада ривожланади. Машинасозлик ва металлни ишлаш маҳсулоти ишлаб чиқаришни 9,5 процент кўпайтириш мўлжалланади.

Машинасозликнинг асосий вазифаси — ишлаб чиқариладиган маҳсулотни ва уни ишлаб чиқариш технологиясини техника жиҳатидан янада такомиллаштиришдан, машиналар, ускуналар, аппаратлар ва приборларнинг сифатини, чидамлилигини ва пухталигини оширишдан иборатдир. Планда ускуналарнинг энг прогрессив турларини устун даражада ривожлантириш кўзда тутилади.

Юк ва енгил автомобилларнинг, чопиқ тракторлари, трел ва ботқоқликда ишлашга мўлжалланган тракторларнинг ҳамда қишлоқ хўжалик машиналарининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мўлжалланади.

Халқ хўжалигининг ва кенг бозорнинг бинокорлик материалларига бўлган ва тобора ошиб бораётган талабини қондириш мақсадида план лойиҳасида цемент, йигма темир-бетон конструкциялари ва деталлар, шифер, томга ёпиладиган юмшоқ материал, ойна ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилади. Бунда энг самарадор бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш кенгайтирилади.

Бинокорлик материаллари саноатини янада ривожлантиришни таъминламоқ учун бу тармоққа сарфланадиган капитал маблағни 12 процентдан зиёдроқ кўпайтириш кўзда тутилади.

Докладчи 1967 йилги планда аҳоли учун товар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини таъкидлади. Енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари тез суръатлар билан ривожлантирилади.

Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,1 процент ва саноатнинг озиқ-овқат тармоқларида 6,2 процент ошади. Бу тармоқларни ривожлантиришга 1,7 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ сарфлаш ёки 1966 йилга нисбатан қарийб 11,5 процент кўпроқ капитал маблағ сарфлаш мўлжалланади.

Аҳоли ўртасида энг кўп талаб қилинадиган халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ва ташқи кўринишини яхшилаш мўлжалланади.

Озиқ-овқат саноати тармоқларининг маҳсулот ишлаб чиқаришида ҳам сифат ўзгаришлар рўй беради. Гўшт ишлаб чиқариш умуман 7,6 процент ошгани ҳолда парранда гўшти ишлаб чиқариш 20 процент ортади. Совитилган ва музлатилган ҳолда гўшт сотиш ҳажми 18 процент, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,2 процент, пишлоқ ва бриндза ишлаб чиқариш 17 процент ортади. Балиқ овлаш умуман 8,6 процент ошгани ҳолда овқат учун мўлжалланган товар балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қарийб 12 процент кўпаяди. Бунда маҳсулот ассортименти ва сифати анча яхшиланади.

Олий ва биринчи навли буғдой унидан нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш 15 процент кўпаяди.

1967 йилда енгил ва озиқ-овқат саноатининг ишлаб чиқариш қуввати анча ортади.

Маданий-маиший товарлар ишлаб чиқариш анчагина миқдорда кўпаяди.

Ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларнинг маҳаллий ресурсларидан ҳамда саноат корхоналарининг чиқитларидан энг кўп даражада фойдаланиши керак бўлган маҳаллий саноат зиммасига халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариши кўпайтириш юзасидан катта вазифалар юкланади.

Совет қишиларини товарлар билан таъминлашни ҳамма чоралар билан яхшилаш ва кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш, деб таъкидлади докладчи, барча совет ва хўжалик органларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. СССР ва иттифоқдош республикалар енгил ва озиқ-овқат саноати министрликларининг вазифаси шундан иборатки, мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш билан бир вақтда аҳолининг зарур товарларга бўлган талабини ўз вақтида ва тез пайқаб олишлари, маҳсулотлар сифатини доимо яхшилашлари ва ассортиментини кенгайтиришлари зарур.

1967 йилда транспорт ва алоқа янада ривож топади. Транспортнинг ҳамма турлари бўйича юк обороти 5,6 процент ва пассажир обороти 6,2 процент кўпайгани ҳолда денгиз ва трубопровод транспорти энг тез суръатлар билан ривожланади. Денгиз транспортининг юк обороти 18,6 процент ҳамда нефть ва нефть маҳсулотларини трубопроводлар билан юборишни ҳажми 10 процент кўпаяди.

Темир йўл транспортида электровозлар ва тепловозлар билан юк ташишнинг ҳиссаси темир йўлларидаги умумий юк оборотининг 92 процентдан кўпроғини ташкил қилади. Келгуси йилда 536 километр янги темир йўл линияларини ва 1850 километр электрлаштирилган линияларни фойдаланишга топшириш мўлжалланади.

Дарё транспорти, айниқса Сибирь дарёларида янада ривожлантирилади. Ҳамма пассажирларнинг қарийб 35 проценти автомобиль транспортида ташилади. Асфальт-бетон ётқизилган 13 минг километрга яқин янги автомобиль йўллари фойдаланишга топширилади.

Алоқа воситаларини — кабель ва радиореле линиялари, радиоэшиттириш ва телевизион станцияларни янада ривожлантириш кўзда тутилади.

1967 йилда Москва телевизион маркази учун дунёда энг баланд — 525 метрли уникал телевизион минора қуриб битказилади, бунинг натижасида Москва программасини қабул қилиб олиш зонаси анча кенгаяди.

План топшириқларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш кўп жиҳатдан илмий техника тараққиёти суръатларига боғлиқ бўлади. 1967 йилда илмий тадқиқотлар ва лойиҳалаш-конструкторлик ишларни таъсир кўрсата беради.

Нинг натижаларидан фойдаланиш асосида энергетика, технология, транспорт ва қурилиш ускуналарининг дастлабки саноат сериялари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ва улар ишлаб чиқарила бошлайди. Бу ускуналарнинг кўп қисми қуввати ва техника иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан жаҳон техникасининг охирги ютуқларидан қолишмайдиган бўлади.

Халқ хўжалик планида (министрликларнинг планлари бу ҳисобга кирмайди) 450 дан ортиқ номдаги энг муҳим буюмларни саноатда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мўлжалланадики, улардан халқ хўжалигида фойдаланиш кўпгина иқтисодий самара олиш имконини беради.

Илғор технологияни ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришни жорий этиш юзасидан 300 дан ортиқ энг муҳим топшириқларни бажариш мўлжалланади.

Технология процессларини бошқариш учун ҳамда корхоналар ва бирлашмаларни планлаштириш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари учун ҳисоблаш техникасидан фойдаланган ҳолда 57 автоматлаштирилган системани халқ хўжалигига тўла ёки айрим босқичлар бўйича жорий этиш топшириқлари кўзда тутилади. Шунингдек, илмий, инженерлик ва план — иқтисодий ҳисобларни бажариш учун турли ташкилотларда 85 информацион-ҳисоблаш маркази ва 59 ҳисоблаш маркази барпо этиш мўлжалланади.

Илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари илмий тадқиқотлар ва лойиҳаларнинг кенг комплексини бажарадилар.

Илмий тадқиқот муассасаларининг моддий техника базасини яхшилаш юзасидан тадбирлар кўриш мўлжалланади, бу эса, илмий-тадқиқотлар савиясини оширишга ва уларни ўтказишни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга фан ва техника давлат комитети, фанлар академиялари ва министрликлар актуал аҳамиятга эга бўлмаган илмий тадқиқот ишларини тўхтатиш, илмий тадқиқотларни ўринсиз дубляж қилишни тугатиш, самарасиз ишлаётган илмий ташкилотларни тугатиш чораларини кўришлари зарур.

Ишлаб чиқариш ва қурилишнинг миқёслари жуда катта бўлгани ҳолда, экономикани ривожлантиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг шу беш йиллика мўлжалланган суръатлари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга асосланади.

Шу сабабли 1967 йилги планнинг энг муҳим вазифаси янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва бошқариш формаларини такомиллаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг социалистик принципини изчиллик билан амалга ошириш негизида меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлашдан иборат. Саноатда меҳнат унумдорлигини 5 процент ошириш кўзда тутилади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 70 процентига эришилиши лозим.

Бунда ишчилар сонини кўпайтирмасдан маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш учун илғор корхоналар бошлаган ҳаракат ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши, шунингдек, маҳсулот единицасига моддий харажатларнинг қисқариши ва унумсиз харажатларнинг бартараф этилиши 1967 йилда саноатда ишлаб чиқариш харажатларини 1,2 процент камайтириш ва темир йўлларда юк ташиш таннархини 1,2 процент арзонлаштириш имконини беради. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида маҳсулот таннархининг камайиши 1967 йилда фойданинг 13 процент ўсишини таъминламоғи керак.

Мамлакатимиз иқтисодий ривожланишнинг янги, янада юксак даражасига ўтиши билан асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш проблемасига эътиборни кучайтириш зарурлиги ҳақидаги масала янада ўткир қилиб қўйилади. Аввало мавжуд ускуналардан фойдаланиш анча яхшиланмоғи керак.

Саноат маҳсулотларининг улгуржи нархини такомиллаштириш—хўжалик ислоҳотини муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Улгуржи нархларнинг ҳозир қайта кўриб чиқилаётганлиги натижасида улар корхоналар фаолиятига баҳо бериш ва рағбатлантириш фондларини ташкил этиш учун аниқроқ ва объективроқ мезон бўлиб қолиши керак.

Партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март ва 1966 йил май Пленумлари қарорларида, деб давом этди Н. К. Байбаков, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг вазифалари ва асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Колхоз ва совхозлар экономикасининг мустаҳкамланиши, янги тайёрлаш системасининг ва янги тайёрлаш нархларининг рағбатлантирувчи аҳамияти, қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиши, минерал ўғитлар етказиб беришнинг қўпайтирилиши ҳамда партия ва ҳукумат қарорларига биноан амалга оширилаётган бошқа тадбирлар бу йил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтиришда катта роль ўйнади. Бундан буён ана шу тадбирлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга янада кўпроқ даражада таъсир кўрсата беради.

1967 йилги планда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми белгилаган миқдорда кўзда тутилади.

Планда қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан катта тадбирлар кўзда тутилган. Ишлаб чиқариш объектлари қурилишига ва техника сотиб олишга колхозларнинг давлат кредити ёрдамида маблағ сарфлашларини қўшиб ҳисоблаганда 11,3 миллиард сўм миқдорида (дон сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари қурилишига харажатлар бу ҳисобга кирмайди) маблағ сарфланади ёки бу йилдагига қараганда тахминан 10 процент ошади, шу жумладан 5,7 миллиард сўм давлат капитал маблағи сарфланади ёки бу йилдагидан 8,5 процент кўп бўлади.

Ерларни мелиорация қилиш юзасидан планда катта тадбирлар мўлжалланади. Келгусида 700 минг гектарга яқин ернинг захи кочирилади ва 261 минг гектар суғориладиган ер фойдаланишга топширилади. РСФСР районларида, Қозоғистон ССРда ва Ўрта Осиё республикаларида 6,6 миллион гектар яйловга сув чиқарилади.

Бундан ташқари турли сабабларга кўра, фойдаланишдан чиқиб қолган суғориладиган ва қуруқчил майдонларни тартибга солиш учун анчагина маблағ ажратиш зарур деб топилди.

Мелиорация ва сув хўжалик қурилиши соҳасидаги қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 13,6 процент ортади ва 1967 йилда 825 миллион сўмни ташкил қилади.

Келгуси йилда саноат қишлоқ хўжалигига 1966 йилдагига қараганда анча кўп техника, минерал ўғит, заҳарли химикат ва бинокорлик материаллари беради.

Қишлоқ хўжалигига 287 минг трактор, шу жумладан 106 мингдан кўпроқ чопиқ трактори, 150 минг юк автомобили, 96,5 минг дон ўриб-йиғувчи комбайн, 175 минг трактор ва автомобиль прицеплари, 900 минг электр двигатели, кўплаб миқдорда ер қазиш техникаси ва бошқа техника, шунингдек, металл ва бинокорлик материаллари етказиб берилади.

1967 йилда 256 минг километр қишлоқ электр линиялари қуриш мўлжалланади. Бу эса, қишлоқ хўжалигида электр энергия истеъмолини 28 миллиард киловатт соат ёки 15 процент кўпайтириш имконини беради. Йил охиригача беистисно ҳамма совхоз ва колхозлар электрлаштирилади ҳамда колхозчилар ва совхоз ишчилари уйларининг қарийб 90 проценти электрлаштирилади.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим воситаси минерал ўғитдир. 1967 йилда минерал ўғит етказиб бериш тахминан 32,1 миллион тонна ёки 9 процент кўпаяди. Шуни таъкидлаш керакки, тўрт йил ичида (1964—1967 йиллар) қишлоқ хўжалигига минерал ўғит етказиб бериш икки баравар кўпаяди.

Докладчи қишлоқ хўжалик техникасидан, минерал ўғитлардан, ёнилғи — мой ва бошқа материаллардан фойдаланишда ҳали жиддий камчиликлар борлигини кўрсатиб ўтди.

Халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари, деб давом этди Н. К. Байбаков, кўп жиҳатдан капитал қурилиш программасининг бажарилиши ва капитал маблағ сарфлаш самарадорлигини ошириш билан белгиланади. 1967 йилда умуман халқ хўжалиги бўйича капитал маблағларнинг умумий ҳажми 55,8 миллиард сўм миқдорида мўлжалланади, бу эса бу йил кутилаётган даражадан 7,9 процент кўпдир. Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағи 41,2 миллиард сўмни ташкил қилади, ёки 1966 йилдан 7 процент кўп бўлади.

Қора ва рангли металлургия, нефтни қайта ишлаш ва газ саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва автомобильсозлик, химия, бинокорлик материаллари саноати, шунингдек, енгил, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноатини ривожлантиришга давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари сарфлашни энг кўп даражада ўстириш мўлжалланади.

Уй-жой ва коммунал қурилишни маблағ билан таъминлашнинг ҳамма манбалари бўйича 11,7 миллиард сўм ёки 1966 йилги планнинг кутилаётган бажарилишига нисбатан 11,8 процент кўп маблағ сарфлаш кўзда тутилади.

Планда сув хўжалигини тартибга солиш, сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш юзасидан бир қанча тадбирлар мўлжалланади.

Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари ҳисобига халқ хўжалиги бўйича 38,7 миллиард сўмлик ёки 1966 йилдагига қараганда 9 процент кўп асосий фондларни ишга солиш мўлжалланади.

1967 йилда капитал қурилишнинг анчагина ҳажмини молиянинг марказлаштирилмаган манбалари ҳисобига бажариш кўзда тутилади.

Капитал маблағлар самарадорлигини ошириш мақсадида СССР министрликлари, бошқармалари, бинокорлик ташкилотларининг раҳбарлари қисқа муддат ичида қурилишлар муддатини анча қисқартиришга эришмоқлари зарур. Капитал маблағларни айни вақтда қурилаётган ҳаддан ташқари кўп объектларга тарқатиб юборишга йўл қўйиш ярамайди.

1967 йилги капитал қурилиш планида маблағларни ҳал қилувчи қурилишларга ва объектларга марказлаштириш мўлжалланади.

1967 йилги планда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш ва қурилиш ташкилотларини мустаҳкамлаш мўлжалланади.

Докладчи айтдики, СССР Госплани ишлаб чиқариш ва қурилишнинг белгиланган тадбирларини материал-техника таъминоти билан мослаштирувчи материал балансларини тузиб чиқиш соҳасида катта иш қилди. Қурилиш учун материал ресурслари анча кўпайтирилади. Ремонт-эксплуатация эҳтиёжларига ажратиладиган материал ресурсларини бир мунча кўпайтириш кўзда тутилган. Мамлакатнинг навигация муддатлари қисқа бўлган узоқ районлари учун материалларнинг келгуси йилга ўтадиган запаслари ҳам кўпайтирилди. Бироқ, ҳалқ хўжалигида хом ашё ва материалларнинг айрим турлари, шу жумладан қора металлар, химия маҳсулотининг баъзи турлари, шунингдек, ўрмон ва қоғоз саноати маҳсулоти бирмунча танқислик қилади. СССР Госплани ва Таъминот давлат комитети планни бажариш давомида халқ хўжалигининг эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш учун маҳсулот тақчил турларининг қўшимча ресурсларини министрликлар ва республикалар билан биргаликда қидириб топадилар. Айни вақтда саноат ишлаб чиқаришида ва қурилишда хом ашё ва материалларни тағин ҳам тежаб-тергаш тадбирлари ўтказилиши лозим. Тежаб-тергаш масалаларини умумхалқ вазифаси, деб билмоқ керак.

СССР Министрлар Совети, деди докладчи, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни планлаштириш учун СССР министрликларининг масъулиятини ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Халқ хўжалигини ва аҳолини турли маҳсулотлар билан таъминлашга оид кўпгина масалаларни министрликларнинг ўзлари хал қила беришлари мумкин. Шуни ҳисобга олиб, 1967 йилдан ноқ бир қанча министрликлар бўйича илгари давлат планига киритиб келинган маҳсулот турларини шу министрликларнинг ўзлари планлаштирадиган маҳсулотлар қаторига ўтказилди.

1967 йилги планда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан белгиланган топшириқлар, деди Н. К. Байбаков, халқ турмуши даражасини янада ошириш учун мустаҳкам негиз яратиб беради. Халқ фаровонлигининг энг муҳим кўрсаткичлари — ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган пул ва натура даромадлари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар, давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти — 1966—1967 йиллар мобайнида КПСС XXIII съезди Директиваларида мўлжалланган суръатларга мувофиқ равишда оширилади.

1967 йилда реал даромадлар аҳоли жон бошига 5,5 процент кўпаяди. Қилинган меҳнатга қараб олинадиган даромадларни ва аввало ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини кўпайтириш ана шу даромадларни оширишнинг асосий манбаи бўлади. Хал

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ II СЕССИЯСИ

Н. К. БАЙБАКОВ докладининг давоми

(Боши иккинчи бетда).

1967 йил планида уй-жой қурилишини анча кенгайтириш кўзда тутилган. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига жами саҳни 93,4 миллион квадрат метр бўлган уй-жой қуриш мўлжалланмоқда. Бу эса 1966 йил мобайнида ишга туширилади, деб кутилаётган уй-жой ҳажмидан салкам 14 процент ортиқдир. Қишлоқ жойларда уй-жой қуришга катта эътибор берилмоқда.

Меҳнатга олинадиган даромадларнинг кўпайиши билан бир қаторда 1967 йил планида ижтимоий истеъмол фондларини 3,5 миллиард сўм, ёки 7,7 процент кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Мактабгача муассасалар тармоғини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Келгуси йил охирларига борганда доимий ишлайдиган болалар яслилари ва боғчаларидаги болалар 9,2 миллион кишига етади, ёки 1965 йилдагига нисбатан 23 процент кўпаяди.

1967 йил планида аҳолининг умумий билим савиясини янада оширишга доир чоралар кўзда тутилган. Ўрта мактабларнинг тўққизинчи синфларига қабул қилинадиган болалар 2,7 миллион кишига етказилади, ёки саккиз йиллик мактабларни тамомлаб чиқувчи ҳамма болаларнинг 1966 йилги 64 проценти ўрнига қарийб 70 проценти тўққизинчи синфларга қабул қилинадиган бўлади. Куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчиларнинг сони анча кўпайтирилади. Бундай мактаб ва группалардаги болаларнинг сони салкам 3,5 миллион кишига етказилади, яъни 1966 йилдагига қараганда 16 процент кўпайтирилади.

Олий ва ўрта махсус таълим янада ривож топади.

Айниқса қишлоқ жойларда маданият муассасалари шохобчасини янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

1967 йилда аҳолига медицина ёрдами кўрсатишни янада яхшилаш мўлжалланмоқда. Касалхоналардаги ўринлар 2 миллион 400 мингтадан ошиб кетади, ёки янгидан салкам 80 мингта ўрин очилади.

1967 йил планида халқ фаровонлигини ошириш юзасидан белгиланган катта-катта тадбирлар, деди докладчи, совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида Коммунистик партиямиз кўрсатаётган катта ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. 1967 йилда ишлаб чиқариш ва капитал қурилиш топшириқларининг муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажарилиши меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада ошириш учун янги резервлар очишга имкон беради.

Сўнгра докладчи иттифоқдош республикаларнинг халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. 1967 йил планида иттифоқдош республикалар ва иқтисодий районларни ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, комплекс ривожлантириш ва янги табиий ресурсларни хўжалик оборотига жалб қилиш асосида мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини иттифоқдош республикалар ва иқтисодий районлар бўйича жойлаштиришни янада яхшилаш кўзда тутилган. Н. К. Байбаков айрим иттифоқдош республикалар халқ чўжалигининг ривожланишини кўрсатувчи рақамларни айтиб ўтди. Иттифоқ-республика ва республика қарамоғидаги хўжаликларни ривожлантиришга, деди у, 179 миллион сўм миқдорида марказлаштирилган капитал маблағ ажратилади. Бу эса 1966 йилдагидан 9,2 процент ортиқдир.

Докладчи ташқи савдони янада ривожлантириш ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш устида тўхталиб ўтди. СССРнинг ташқи иқтисодий алоқалари деди у, катта халқаро аҳамиятга молик фактор бўлиб, тинчлик ва социал тараққиёт манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. 1967 йилда СССРнинг ташқи савдо обороти 6 процент кўпайтирилади.

1967 йилда Совет Иттифоқининг социализм мамлакатлари билан иқтисодий алоқалари яна ҳам кўпроқ мустаҳкамланади, товар обороти 9 процент кўпайтирилади. Фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам кенгайтирилади. Бизнинг ривожланаётган мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларимиз кўпаяди. Бир қатор капиталистик мамлакатлар билан ва аввало Финляндия, Франция, Италия, Япония сингари мамлакатлар ва бошқа баъзи бир мамлакатлар билан савдо қилишни янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

1967 йилги план, деди Н. К. Байбаков, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик планининг таркибий қисми сифатида ишлаб чиқилди. Шу планда кўзда тутилган топшириқлар СССР халқ хўжалиги беш йиллигининг дастлабки икки йили мобайнида КПСС XXIII съездида қабул қилинган Директиваларга мувофиқ тарзда ривожланиб боражагини кўрсатиб турибди.

СССР Госплани ҳозирги вақтда беш йиллик планни тузиш ишларини тугалламоқда. Бу планда вазифалар беш йилликнинг ҳар бир йилига алоҳида-алоҳида белгилаб берилади. Бу план КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советига тақдим этилади.

Пировардида докладчи бундай деди: 1967 йил планида кўзда тутилган топшириқлар мамлакатимиз экономикасини мустаҳкамлашга ва СССРнинг мудофаа қувватини кучайтиришга қаратилган бўлиб, совет халқининг моддий фаровонлигини янада оширишни кўзда тутади ва унинг туб манфаатларига мос келади. План Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига бошланган ва кенг қулоч ёзиб бораётган социалистик мусобақа туфайли мамлакатимиз меҳнаткашлари зўр ижодий жўшкинлик билан меҳнат қилган вазиятда бажарилади.

СССРНИНГ 1967 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА СССР 1965 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

СССР молия министри В. Ф. ГАРБУЗОВ доклади

СССР Министрлар Совети, деди ўртоқ Гарбузов, СССРнинг 1967 йилги Давлат бюджетини СССР Олий Советининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақдим қилмоқда. Келаси йил мамлакатимиз ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга. 1967 йилда Совет Иттифоқи халқлари ва бутун прогрессив инсоният тарихий санаси — жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг 50 йиллигини нишонлайди.

Ленинчи Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи ўзининг бунёдкорлик меҳнати билан социалистик жамият қурди ва коммунизмнинг моддий техника базасини муваффақиятли равишда вужудга келтирмоқда. Совет халқининг ғалабалари бутун дунё меҳнаткашларини буюк марксизм-ленинизм идеяларининг тантанаси учун курашга руҳлантирмоқда.

Марказий Комитетнинг 1964-1965 йиллардаги Пленумларида ва КПСС XXIII съездида қабул қилинган партия қарорлари социалистик жамиятимизни ривожлантиришда муҳим босқични бошлаб берди. Бу қарорлар мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма томонига ўзининг жуда катта самарали таъсирини тобора кўпроқ ўтказмоқда.

Партия XXIII съезди беш йиллик планга доир ўзининг директиваларида социалистик экономиканинг мавжуд имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш вазифаларини белгилаб берди. Ўртоқ Л. И. Брежнев съездда кўрсатиб ўтдики, «... беш йиллик план топшириқлари моддий техника базасини ривожлантиришни ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ўстиришни, халқ хўжалигининг ресурсларини сон жиҳатдан ўстиришни ва экономикада рўй берадиган янада чуқур сифат ўзгаришларини, ишлаб чиқарувчи кучларни ўстиришни ва социал-иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришни узвий бирликда акс эттиради».

Планлаштиришни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш борасида партиянинг март ва сентябрь Пленумларида ишлаб чиқилиб, КПСС XXIII съездида маъқулланган тадбирлари жуда катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий ислоҳот партия ва давлат қўлида шучдай жуда муҳим воситадирки, социалистик экономиканинг самарадорлигини ошириш ва коммунистик қурилиш суръатларини жадаллаштириш вазифаси шу восита орқали муваффақиятли ҳал қилинаверади. Бу умумдавлат вазифаси миллионлаб меҳнаткашларнинг биргаликда куч ва ғайрат сарфлаши билангина муваффақиятли амалга ошиши мумкин.

Совет кишилари партия қарорларини амалга ошира бориб, деб давом қилди докладчи, янги беш йилликнинг биринчи йили бўлган 1966 йилда коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришдилар. Жуда улкан планлардан руҳланган бизнинг халқимиз меҳнатдаги ўзининг куч ва ғайратини кўпайтирди, йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун, совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирди.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалигининг ҳолатини чуқур анализ қилиш ва ижодий ўрганиш асосида халқ хўжалигининг мана шу ҳаётий муҳим тармоғини юксалтиришнинг иқтисодий ва ташкилий чоралари системасини ишлаб чиқди, бу система КПСС XXIII съездининг қарорларида янада ривожлантирилди. Амалга оширилган тадбирлар бу йилнинг ўзидаёқ ўз самараларини берди. Совет ҳокимиятининг бутун йиллари давомида мисли кўрилмаган даражада энг катта ғалла ҳосили олинди. Чорвачилик маҳсулоти кўпайди. Колхозлар ва совхозларнинг экономикаси ва молияси мустаҳкамланди, уларнинг ишлаб чиқариш фондлари кўпайди, қишлоқ хўжалик ходимларининг даромади анча ошди.

Фан ва техника тараққиёти ижтимоий ишлаб чиқаришни қудратли ўстиришнинг ҳал қилувчи факторларидан бири бўлиб қолмоқда, жамият моддий ва маънавий ҳаётининг ҳамма томонларига тобора кўпроқ таъсир ўтказмоқда.

Экономикани ривожлантиришдаги катта муваффақиятлар миллий даромаднинг кўпайганлигида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бу йил миллий даромад 7 процентдан знёдроқ кўпаяди. Бу эса Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини ошириш борасида партия ва ҳукумат қўйган вазифаларни ҳал қилишда яна бир катта қадам қўйишга имкон берди.

Аҳолининг пул даромадлари, деди докладчи, 1966 йилда 1965 йилдагига нисбатан 9,3 процент кўпайди. Меҳнатга яраша тўланаётган ҳақнинг ўсиши — ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг ҳамда колхозчилар ижтимоий хўжаликдан олаётган даромадларининг ўсиб бораётганлиги аҳоли даромадларини ошираётган асосий манба бўлди.

Ижтимоий истеъмол фондларининг кўпайиши давом қилди. 1966 йилда бу фондлар 45 миллиард сўмликдан ошиб кетди ва 7,9 процент кўпайди. Халқ маорифи, фан, маданият, социал таъминот янада ривожланди. ВЦСПС ва унинг касаба союз органлари тузиб бераётган ва ижро этаётган давлат социал страхование бюджети бир йил ичида қарийб 900 миллион сўм миқдорида кўпайиб, 11,4 миллиард сўмга етди. Бу эса пенсия ва нафақаларга, санаторийлар ва дам олиш уйларида, пионер лагерларида даволаниш ва дам олиш учун текин ва имтиёзли йўлланмалар беришга ва бошқа мақсадларга қилинаётган харажатларни кўпайтиришга имкон берди. Бу йил уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ишлари кенг миқёсда олиб борилди. Ўн бир миллион киши янги квартираларга кўчиб кирди ва ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Аҳолининг даромадлари ошганлиги натижасида озиқ-овқат ва саноат молларини сотиб олиш анча кўпайди. Чакана товар обороти 1966 йилда таққослануви нархлар билан ҳисоблаганда 8,5 процент кўпайди. Аҳолининг омонатга қўйган пуллари тўхтовсиз кўпайиб бораётганлиги ҳам совет кишиларининг фаровонлиги ошганлигини кўрсатиб турибди. Омонат кассаларига қўйилган пулларнинг жами миқдори бу йил 4,3 миллиард сўм кўпаяди.

Халқ хўжалик планининг муваффақиятли бажарилаётганлиги мамлакатнинг давлат молияси янада мустаҳкамланиши ва бюджетнинг бажарилишини белгилаб берди.

1966 йилда СССР Давлат бюджети қуйидаги миқдорда ижро этилади: даромадлар бўйича 107,0 миллиард сўм ёки планга нисбатан 100,0 процент, харажатлар бўйича 106,7 миллиард сўм ёки планга нисбатан 99,9 процент, харажатлар даромадлардан 0,3 миллиард сўм ошиқ бўлади.

Бюджетни ижро этиш давомида СССР Министрлар Совети қўшимча молиявий ресурсларни топиш ва сафарбар қилишга, давлат маблағларини тежаб сарфлашга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилди.

1966 йилги халқ хўжалиги плани ва бюджетининг бажарилиши совет кишиларининг ташаббускорлиги ва ижодий активлиги ўсиб бораётганлиги асосида хўжалик ва маданий қурилишнинг эндиги йилга мўлжалланаётган катта программаси тўла равишда амалга оширилади, деган ишонч тугдирмоқда.

Докладнинг «Бюджет даромадлари ва харажатлари» деган бўлимида В. Ф. Гарбузов уқтириб айтдики, СССРнинг 1967 йилги Давлат бюджети лойиҳаси КПСС XXIII съездининг беш йиллик планга доир Директиваларида кўйилган вазифаларга, планлаштиришни такомиллаштириш ва халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш соҳасида партия ўтказаётган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш вазифаларига асосланиб ишлаб чиқилди. Бюджет мамлакатнинг иқтисодий потенциалини ва мудофаа қувватини янада оширишни ва халқ фаровонлигини яхшилашни зарур маблағлар билан таъминлайди.

Бюджет даромадлари 110,1 миллиард сўм, ёки 1966 йилги бюджетнинг кутилаётган ижросидаги миқдордан 3,1 миллиард сўм кўп қилиб белгиланди. Бюджетдаги харажатлар 109,9 миллиард сўм, ёки 1966 йилда кутилаётган харажатлардан 3,2 миллиард сўм кўп қилиб лойиҳаланди. Даромадлар харажатлардан 0,2 миллиард сўм ошиқ бўлади.

Социалистик қурилиш суръатларининг янада жадаллаштирилиши ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги оширилиши натижасида социалистик хўжаликдан олинадиган тушумлар кўпайиб, 100,3 миллиард сўмга етади ёки бюджетдаги ҳамма даромадларнинг 91 процентини ташкил қилади.

Бюджетда, деди докладчи, иқтисодий ислоҳотни ўтказиш натижасида молия ресурсларини тақсимлашдаги ўзгаришлар акс эттирилди. Янги шароитда ишлашга кўчирилган корхоналарда олинган фойдалар рағбатлантириш фондлари ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди вужудга келтирилади, бу фондлар корхоналарнинг ўз ихтиёрида бўлади. Капитал қурилишларга ва оборот маблағларини ўстиришга планда мўлжалланган сарфларни таъминламоқ учун фойдадан корхонанинг ўзида колдириладиган улуш қўпаяверади. Фойдадан қилинадиган ажратмаларнинг бир қисми ишлаб чиқариш фондлари учун тўланадиган ҳаклар тарзида бюджетга тушади.

Мана шуларнинг ҳаммаси корхоналар коллективларининг ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва кенгайтиришдан, маҳсулотни реализация қилишдан ва фойдани кўпайтиришдан, халқ хўжалик планининг ва бюджетнинг топшириқларини яхши бажаришдан манфаатдорлигини кучайтиришга ёрдам беради.

Умуман халқ хўжалигида корхоналарнинг ва хўжалик ташкилотларининг олаётган фойдаси бир йил ичида 13,0 процентдан знёдроқ кўпайиб, 46,7 миллиард сўмни ташкил этади. Хўжалик ишларини юритишнинг янги системасига ўтказилиб бўлган корхоналар оладиган фойда 4,7 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Шу фойдадан бир миллиард сўми бюджетга фондлар учун тўланадиган ҳақ тарқасида тушади.

Оборотдан олинадиган солиқ миқдори 1967 йилда, товарлар ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини назарда тутиб, 40,6 миллиард сўм миқдорида ёки бу йилгидан 2,9 процент ошиқ қилиб белгиланди.

Аҳолидан олинадиган давлат солиқлари ишчи ва хизматчиларнинг планлаштирилган иш ҳақи фондига асосланиб, бюджетида 9 миллиард сўм миқдорида кўзда тутилган.

Давлат мулки страхованиеси ва шахсий страхование тобора кўпроқ иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. 1966 йилда колхозларга ва аҳолига тўланадиган страхование маблағлари 819 миллион сўмни ташкил қилади ёки 1965 йилдагидан 33 процент кўп бўлади.

Халқ хўжалигини ривожлантириш планига мувофиқ, СССР Давлат бюджетининг асосий харажатлари қуйидаги миқдорда белгиланди.

(Миллиард сўм ҳисобида)

	1966 йил	1967 йил
Халқ хўжалигига	44,9	46,9
Социал-маданий тадбирларга	40,5	42,9
Мудофаага	13,4	14,5
Бошқарув харажатлари	1,4	1,4

Бюджет халқ хўжалиги планида социалистик экономикани ривожлантиришга мўлжалланган тадбирларни пул билан таъминлайди. 1967 йилда халқ хўжалигига қилинадиган жамийки харажатлар 4,1 миллиард сўм кўпаяди ва 86,5 миллиард сўмни, шу жумладан хўжаликларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қилинадиган харажатлар 39,6 миллиард сўмни ташкил қилади.

Докладда шу нарса кўрсатиб ўтилдики бу маблағлар халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника даражасини оширишга, қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга, халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқарадиган тармоқларни ривожлантиришга ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга сарфланади.

Бизнинг социалистик давлатимиз социал-маданий тадбирларга ҳар йили катта-катта маблағ ажратиб бермоқда. 1967 йилда ана шу тадбирларга давлат бюджетидаги ҳамма харажатларнинг 39 проценти сарф қилинади.

Халқ хўжалик планига мувофиқ бюджетда Совет Иттифоқи ташқи савдо оборотининг, айниқса социалистик лагерь мамлакатлари билан ташқи савдо оборотининг янада ўсиши ҳисобга олинган. Бюджетда ҳукуматлараро битимларга мувофиқ, чет давлатларга кўрсатиладиган иқтисодий, маданий ва бошқа турдаги ёрдам учун маблағлар кўзда тутилган.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети КПСС XXIII съезди қарорларига асосланиб, 1967 йилги бюджет лойиҳасини қараб чиқиш вақтида марказий ва маҳаллий бошқарув органлари, корхоналар, қурилишлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларига давлат маблағларини сарфлашда қаттиқ иқтисодий тежамни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларга эътиборни кучайтиришни топширдилар. Тежамкорлик учун кураш халқ хўжалигининг ҳамма участкаларида олиб борилиши лозим.

В. Ф. Гарбузов айтдики, депутатлар муҳокамасига ва тасдиқига киритилган бюджетда Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг социалистик экономикани тинч йўл билан қуришга, халқнинг турмуш даражасини янада оширишга, давлатимизнинг қудратини мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсати ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Сўнгра докладчи саноатни пул билан таъминлаш масалалари ва иқтисодий ислоҳот тўғрисида гапирди. Партиямиз Марказий Комитети билан ҳукуматимиз, деди у, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, саноатда планлаштиришни такомиллаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан муҳим тадбирларни ўтказмоқдалар.

Хўжалик юритишнинг янги системаси социалистик тузумнинг афзалликларини тўлиқроқ рўёбга чиқармоқда, мамлакатнинг улкан ишлаб чиқарувчи кучларидан рационал фойдаланиш учун, халқ фаровонлигини тез ўстириш учун энг қулай шарт-шароитларни вужудга келтириб беради.

Бу йил 673 корхона хўжалик юритишнинг янги методлари асосида ишлай бошлади, бу корхоналарда 2 миллиондан кўпроқ киши, яъни саноатдаги жамики ходимларнинг қарийб 10 процентдан кўпроғи ишлаб турибди. Шу йил янги системага ўтказилган корхоналарнинг ҳаммаси ўз зиммаларига қўшимча мажбуриятлар олдилар. Шу корхоналарнинг коллективлари мавжуд ички ресурсларни ишга солишдан бевосита манфаатдор бўлдилар, чунки бу нарса фойдани кўпайтириб, шу тариқа уларга фойдадан моддий рағбатлантириш фондларига кўпроқ маблағ ажратиш имкониятини берди.

Шуни айтиш керакки, қўшимча мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди. Дастлабки маълумотларга кўра, янги шароитларга ўтказилган корхоналар пландан ташқари 200 миллион сўмликдан ортиқ фойда олдилар, бу фойданинг катта қисми иқтисодий рағбатлантириш фондларини вужудга келтиришга ишлатилди ва қолган қисми бюджетга ўтказилди. Бунинг маъноси шуки, иқтисодий ислоҳотнинг ўтказилиши корхона коллективлари билан давлат манфаатларини энг яхши тарзда уйғунлаштиришни амалда таъминлайди.

Келгуси йил саноат, транспорт, савдода ва бошқа тармоқларда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг муҳим босқичи бўлади. Белгилаб қўйилган муддатларга мувофиқ, енгил ва озиқ-овқат саноатининг кўпгина тармоқлари, металлургия, машинасозликда ва бир қанча тармоқлар ва бошқа баъзи бир тармоқлар хўжалик юритишнинг янги системасига ўтадилар.

Саноатни ривожлантириш юзасидан халқ хўжалик планида кўзда тутилган вазифалар зарур молиявий ресурслар билан тўла-тўкис таъмин этилади. Саноатни пул билан таъминлашнинг умумий ҳажми 1967 йилда 45,7 миллиард сўмни ташкил этади ёки бу йилгидан 7,3 процент ортиқ бўлади. Бунинг 21,9 миллиард сўми бюджет ҳисобидан ва 23,8 миллиард сўми корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратиб берилади. Банк кредитлари ва корхоналар ишлаб чиқаришини ривожлантириш фонди ҳисобига ҳам саноатни ривожлантириш учун катта-катта харажатлар қилинади.

Партия XXIII съезди қарорларига биноан бутун халқ хўжалигини ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш кўзда тутилган. Бунда электроэнергетика, металлургия, машинасозлик, химия саноати, электроника энг жадал суръатлар билан ривожлантирилади. Ана шу етакчи тармоқларга 1967 йилда 19,3 миллиард сўм, ёки саноатга қилинадиган ҳамма харажатларнинг 42 проценти ажратиб берилади.

Докладчи айтдики, партиянинг ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш билан истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларини яқинлаштиришга қаратилган сиёсатига мувофиқ, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва маҳаллий саноатга, шунингдек аҳолига маиший хизмат кўрсатишга сарфланадиган маблағлар анча кўпайтирилади. Бу тармоқларга 5,2 миллиард сўм, ёки 1966 йилдагидан 19 процент кўп пул берилади. Бу эса, халқ хўжалик планининг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги топшириқларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашади. Қишлоқ хўжалик ва саноат хом ашёсидан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини, айниқса аҳоли учун товарлар ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш ҳам зарур. Аҳолига товарларни кўпроқ ишлаб чиқармоқ учун саноатнинг ҳамма тармоқларидаги мавжуд имкониятлар ва ресурслардан фойдаланиш лозим. Бу соҳада маҳаллий саноатда катта-катта имкониятлар бор.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, маҳаллий Советлар ва маҳаллий саноат министрликларининг раҳбарлари маҳаллий хом ашё ресурсларидан ва материаллардан максимал даражада фойдаланиб, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ҳар томонлама кўпайтириш ва бу товарларнинг турларини кўпайтириш ишида кўпроқ ташаббускорлик кўрсатишлари лозим. Маҳаллий саноат олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқ учун давлат маҳаллий саноатга катта ёрдам бермоқда.

Корхоналар тўла хўжалик ҳисобига ўтганидан кейин хўжалик нинг ўз маблағлари, аввало олинган фойда шу корхоналар харажатларини пул билан таъминлашда тобора кўп катта аҳамиятга эга бўлади.

1967 йилда ишлаб чиқариш фондларини янада кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва материал сарфларини тежаш асосида саноатдаги фойдани анча кўпайтириш кўзда тутилган. Келгуси йилда бу фойда 13,6 процент кўпайиб, 28,9 миллиард сўмга етади.

Саноатимизнинг ривожланиш суръатлари, жамғармаларнинг кўпайиши аввало корхоналардаги ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланишга боғлиқ. Ўртоқ А. Н. Косигин 1966—1970 йиллар мобайнида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планига доир директивалар тўғрисида КПСС XXIII съездида қилган докладида бундай деган эди: «Ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш учун кураш биринчи даражали хўжалик-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, бу кураш чинакам умумхалқ иши бўлиб қолиши лозим».

Ҳолбуки докладда таъкидлаб ўтилганидек, ҳамма министрликларда ҳам ана шу муҳим иқтисодий масалага етарли даражада эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Бир қанча тармоқларда асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги етарли эмас, баъзи ҳолларда эса, бу самарадорлик ҳатто пасайиб кетмоқда.

СССР Министрлар Совети СССР министрликлари билан идораларидан ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларидан 1967 йилги Давлат плани топшириқларини бажаришда ва 1967 йилги СССР Давлат бюджетини ижро этишда ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштириш чораларини кўришни, ишлаб чиқариш экономикаси масалаларига кўпроқ эътибор беришни, фондлардан олинаётган нафни кўпайтиришга ва ишлаб чиқаришнинг рентабел бўлишига бутун чоралар билан ҳаракат қилишни талаб этади.

В. Ф. Гарбузов шуни таъкидладики, халқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошириб борилиб чамбарчас боғланган бўлиб, 1967 йилги халқ хўжалик планида саноат маҳсулотини ўстиришнинг 70 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришиш кўзда тутилган. Илғор корхоналарнинг иш тажрибаси бизнинг саноатимизда бунинг учун катта-катта резервлар борлигини кўрсатиб турибди.

Хўжалик юритишнинг янги шароитларида саноат ходимлари моддий ресурсларни ишлатишга анча тежамкорлик билан қарайдиган бўлиб қолдилар, улар ижтимоий мулкни сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қила бошладилар. Москва ва Ленинград корхоналарида меҳнаткашларнинг хом ашё, материаллар, ёқилғи ва электр энергиясини тежаб-тергаб сарфлаш учун ажойиб харакати бошланди. Моддий ресурсларни тежаш учун уларни нормалаштиришни яхши йўлга қўйиш, маҳсулот бирлигига хом ашё, материаллар, ёқилғини сарфлашнинг амалдаги нормаларини жиддий суратда яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Корхоналар ва хўжалик ташкилотлари ўз оборот маблағларининг нормативларини 3,3 миллиард сўм, шу жумладан бюджет ҳисобига 0,9 миллиард сўм ва хўжаликларнинг ўз ресурслари ҳисобига 2,4 миллиард сўм ўстириш кўзда тутилади. 1967 йилда халқ хўжалиги тармоқларида оборот маблағларининг айланишини ишлаб чиқаришни ва маҳсулотлар сотишни ташкил этишни яхшилаш чораларини амалга ошириш йўли билан 2,5 процент жадаллаштиришга эришиш лозим эканлиги назарда тутилади; маблағларнинг оборотини жадаллаштириш йўли билан 1,0 миллиард сўм тежалиши эътиборга олинган.

Улгуржи нархлар системасини такомиллаштириш хўжалик юритишнинг ва саноатдаги бутун-бутун тармоқларнинг янги иш шароитига ўтиши учун нормал шарт-шароитлар вужудга келтиришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳукумат оғир саноат маҳсулотларининг янги улгуржи нархларини ва юк ташиш тарифларини 1967 йил 1 июлдан бошлаб жорий қилишга тайёргарлик кўриш ишларининг асосий йўналишлари ва бу ишларни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Янги нархлар корхоналарда хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш учун шарт-шароит вужудга келтиради, бу нархлар техникани тараққий эттиришга, маҳсулотнинг сифатини яхшилашга ва ишлаб чиқаришнинг тежамкорлигини оширишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

1967 йилда транспорт ва алоқа ишларига 8,8 миллиард сўм, шу жумладан бюджетдан 2,7 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилди. Ана шу сарфлар 1966 йилдагига нисбатан 4 процент кўпаяди ва темир йўл транспортини ҳамда алоқа ишларини техника жиҳатидан тобора реконструкциялашни таъминлайди. Граждан авиациясини энг янги техника билан таъминлаш тез суръатлар билан ўса боради. Ҳамма фойдаланадиган автомобиль транспортининг иши кенгайтирилади.

Транспорт ва алоқа корхоналарида ички хўжалик резервлари ҳали кўп. Автомобиль транспортининг планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига кўчирилган 208 корхонасининг иш тажрибаси буни исбот қилади. Бу корхоналарда автомашиналардан фойдаланиш коэффициенти ошди, юк ташиш таннархи камайди, фойда олиш планлари ошириб бажарилди, моддий рағбатлантириш фондларига ажратмалар анча кўпайди. Янги система Свердловск ва Горький темир йўллари каби йирик магистралларда, денгиз, дарё транспорти ва алоқанинг айрим корхоналарида муваффақиятли суратда қўлланилмоқда.

Ҳукумат автомобиль транспортини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди. Айрим темир йўллар, пароходчиликни, шунингдек транспорт ва алоқанинг бошқа корхоналарини бундан буён ҳам янги системага кўчириш соҳасида иш олиб борилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтириш, деди докладчи, партиянинг ва бутун совет халқининг энг муҳим вазифасидир. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати экономикага раҳбарликни такомиллаштиришга, саноат ва қишлоқ хўжалигини мувофиқлаштириб ривожлантиришга қаратилган бир қанча муҳим тадбирларни ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар. Март Пленуми қарорларининг амалга оширилиши ўзининг жиддий ижобий натижаларини бермоқда.

1967 йилда қишлоқ хўжалигига 13,5 миллиард сўм ажратилади. Шу билан бирга, бюджетдан 6,3 миллиард сўм ва давлат корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўз маблағлари ва давлат банки кредити йўли билан совхозларга 7,2 миллиард сўм ажратилади. Ресурсларнинг асосий қисми капитал маблағ ажратишга сарф қилинади. Бу эса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада кўпроқ интенсивлаштиришни таъминлайди.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ерларни мелиорация қилиш соҳасидаги ишларнинг катта қўламларини белгилади ва шу асосда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мутасил юқори ҳосил олишга эришиш вазифасини қўйди. 1967 йил бюджетида сув хўжалиги қурилишига 1,3 миллиард сўм, ёки ўтган йилдагидан 10 процент кўпроқ маблағ ажратилади. Бундан ташқари, тупроқни оҳаклаш ва гипслаш учун ҳамда ернинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган бошқа тадбирларга 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарф қилинади.

Давлат планига мувофиқ, қишлоқ хўжалигига, шу жумладан, уй-жой ва маданий-маиший қурилишга 6,9 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ ажратилади. Бундан ташқари, колхозларнинг ўзлари 5,7 миллиард сўм, шу жумладан, Давлат банкининг узоқ муддатли кредити ҳисобига 1,6 миллиард сўм сарфлашни мўлжалламоқдалар.

Бу йил совхозларнинг хўжалик — молиявий фаолиятини жиддий суратда яхшилашга эришилди. Маҳсулотлар асосий турларининг таннархини камайтириш юзасидан халқ хўжалик планида кўзда тутилган топшириқларга мувофиқ, совхозларнинг ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг 1967 йилда оладиган фойдаси 2,2 миллиард сўм миқдорида белгиланди.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорига мувофиқ, 1967 йилдан бошлаб совхозларни ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини аста-секин тўла равишда хўжалик ҳисобига кўчириш кўзда тутилади.

Янги йилда қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар, ўғит ва заҳарли моддалар миқдори ортади. Бутуниттифоқ «Сельхозтехника» бирлашмасининг товар обороти ҳажми таққослама нархларда бир йил ичида 6,2 процент кўпаяди ва 1967 йилда 8,0 миллиард сўмга етказилади.

(Охири тўртинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ II СЕССИЯСИ

В. Ф. ГАРБУЗОВ докладининг давоми

(Боши учинчи бетда).

Колхозларнинг гарантияланган меҳнат ҳақига кўчирилиши колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш, жамоат хўжалигини ривожлантиришдан колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, Давлат банки шу йилнинг ўзидаёқ колхозларнинг ўз аъзолари меҳнатига гарантияланган ҳақ тўлашни таъминлаш учун ўз маблағлари етишмаган тақдирда беш йилгача бўлган муддат билан колхозларга узоқ муддатли кредит беради. 1967 йилда кредитнинг ана шу турини янада кўпайтириш кўзда тутилади.

1967 йилда давлатнинг колхозлар билан ўзаро кредит муносабатлари янада такомиллаштирилади. Бу йил 3 мингдан ортиқ колхоз банкдан бевосита кредит олиш, шу жумладан, меҳнат ҳақини ҳам олиш усулига кўчирилди. Келгуси йилда колхозларни банкдан бевосита кредит олишга кўчира бориш лойиҳалаштирилди.

Қишлоқ хўжалигини доимо юксалтириш вазифалари колхоз ва совхозларда иқтисодий ишларни яхшилашни талаб этади. Моддий ва пул маблағларидан энг тежамли, энг самарали фойдаланиш йўллари ҳамда методларини қунт билан қидириб топиш, сарфланган ҳар бир сўм эвазига энг кўп самара олишга эришиш, ҳар бир хўжаликда ишлаб чиқаришнинг хўжалик ҳисоби стимулларини жорий қилиш ва мустаҳкамлаш зарур.

В. Ф. Гарбузов савдо-сотиққа ҳам капитал маблағ ажратиш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди. Коммунистик партиянинг XXIII съезди қурилиш соҳасида капитал маблағлардан энг самарали фойдаланишни, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни ишга тушириш муддатларини қисқартиришни, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш ва қимматини камайтиришни асосий вазифа қилиб қўйди.

Халқ хўжалик планига мувофиқ, келгуси йилда марказлаштирилган тартибда капитал маблағ ажратиш учун (қурилишнинг оборот маблағлари ҳам шу ҳисобга киради) 41,3 миллиард сўм, шу жумладан, бюджет ҳисобига 22,2 миллиард сўм, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига 18,9 миллиард сўм ажратилади.

1967 йилда жами 93,4 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилади. Бу — бу йилги қурилиш ҳажмидан анча ортиқдир. Давлат планига мувофиқ уй-жой қурилишига 5,8 миллиард сўм сарф қилинади. Уй-жой — қурилиш кооперацияси кўпроқ миқдорда уй-жой қуради. Давлат бу кооперацияга узоқ муддатли кредитлар ажратиб ёрдам бермоқда. 1967 йилда кооперацияга 467 миллион сўм, ёки шу йилдагига нисбатан 17 процент кўпроқ кредит берилади. Шаҳарларда ва қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишига бериладиган қарз анча кўпайтирилади.

Қурилишда хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, планлаштиришни ва бинокорлик саноатини иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш — қурилиш ишларини яхшилаш учун, сарфларни камайтириш ва жамғариш планларини бажариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Коммунистик партия ва ҳукумат совет савдосини ривожлантиришга доимо катта эътибор бермоқдалар. Кейинги йилларда, аҳоли даромадларининг ўсиши ва ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши натижасида аҳолига сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг ва саноат товарларининг миқдори ҳамиша ортиб бормоқда.

1967 йилда чакана товар оборотининг ҳажми 119,8 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Бу эса, чакана товар оборотининг шу йилдагига нисбатан 7,4 процент ортишини кўрсатади. Озиқ-овқат махсулотларининг асосий турлари, кийим-кечак, пойафзал, трикотаж буюмлар, холодильниклар, телевизорлар, бинокорлик материаллари ва бошқа товарлар кўпроқ сотилади. Умумий овқатланиш янада ривожлантирилади.

1967 йилда давлат савдосига 1,1 миллиард сўм, шу жумладан, бюджет ҳисобидан 0,2 миллиард сўм ажратилади. Ана шу маблағлар магазин, ошхона, омбор ва складлар шохобчаларини кенгайтириш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси савдо ташкилотларининг моддий техника базасини жиддий суратда мустаҳкамлаш ҳамда харидорларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун имконият туғдиради.

Планлаштиришнинг янги тартибига ўтиш ва савдо корхоналарининг хўжалик фаолиятига якка хил кўрсаткич — товар обороти ва фойда кўрсаткичларига қараб баҳо бериш усулига ўтиш савдосотиқни яхшилаш учун катта аҳамиятга эгадир. 500 мингдан ортиқ киши ишлаётган 70 мингдан кўпроқ корхона ва ташкилот янги тартибда ишлашга кўчирилди. Бу корхоналарнинг ходимлари савдосотиқни уюштириш ва савдо маданиятини юксак даражага кўтардилар, аҳоли кўпроқ талаб этаётган товарларни келтиришга катта эътибор бермоқдалар, товар обороти планлари ва фойда юзасидан берилган топшириқларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминламоқдалар. Савдо ташкилотлари ўз ишларини такомиллаштира боришлари, аҳоли учун зарур бўлган товарларни кўпроқ ишлаб чиқариш манфаатларини кўзлаб саноат корхоналарига ўз таъсирларини кучайтиришлари керак.

Халқ хўжалик плани ва бюджетда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада кенгайтиришга катта аҳамият берилади. 1967 йилда бу тадбирларни амалга ошириш учун 343 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Докладда социал-маданий тадбирларга қилинадиган харажатлар ҳам муҳим ўрин олди.

Совет давлати халқ маорифи, фан, маданият, соғлиқни сақлаш, социал страхование ва таъминот ишларига қилинадиган сарфларни йил сайин кўпайтирмоқда. 1967 йил бюджетида социал-маданий тадбирлар учун 42,9 миллиард сўм, ёки шу йилдагидан 5,2 процент кўпроқ маблағ ажратилади. Бундан ташқари, ана шу мақсадлар учун давлат корхоналари ва колхозларнинг маблағлари ҳисобидан 5 миллиард сўмдан ортиқ пул сарф қилинади.

Социал-маданий тадбирларнинг айрим турлари бўйича бюджет харажатлари қуйидаги суммаларда белгиланади: (миллиард сўм ҳисобида).

	1966 йил	1967 йил
Халқ маорифи, фан, маданият	18,8	19,6
Соғлиқни сақлаш ва физкультура	7,1	7,4
Давлат социал страхованиеси ва социал таъминот	14,6	15,9

Совет фани халқ хўжалигида илм-техникани жадал ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. 1967 йилда фанни ривожлантириш учун бюджет ҳисобидан ва корхона ҳамда ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 7,2 миллиард сўм, ёки 1966 йилдагига нисбатан 6,3 процент кўп маблағ ажратиш кўзда тутилади.

1967 йилда меҳнаткашларнинг социал таъминоти ва социал страхованиесини янада кенгайтириш мўлжалланади. Давлат социал страхованиеси бюджети бу тадбирларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. 1967 йилда бу бюджетнинг умумий ҳажми 12,4 миллиард сўм миқдорида,ёки 1966 йилдагига нисбатан 1 миллиард сўм ортиқ қилиб лайиҳалаштирилди. Давлат пенсияларининг ҳамма турларини тўлаш учун бюджетдан 11,2 миллиард сўм ажратилади.

В. Ф. Гарбузов айтдики, коммунистик жамият қурилиши билан банд бўлган совет халқи КПСС XXIII съезди томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни амалга оширмоқда, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги ишини, халқларнинг социал ва миллий озодлик ҳамда мустақиллик ҳуқуқини зўр қатъият билан ҳимоя қилмоқда.

Совет Иттифоқи турли иқтисодий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципларга амал қилиб, қардош социалистик мамлакатлар билан барча революцион кучлар билан биргаликда империализмнинг агрессив ниятларига қарши, янги жаҳон уруши хавфини йўқотиш учун актив кураш олиб бормоқда.

Кейинги вақтларда АҚШдаги агрессив монополистик доиралар нинг айби билан халқаро вазият кескинлашди, янги жаҳон уруши хавфи кучайди. Америка империалистлари Вьетнам халқига қарши жиноий уруш олиб бормоқдалар ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига сурбетларча аралашмоқдалар.

Узининг интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган қаҳрамон Вьетнам халқини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай беради. Совет давлати халқаро кескинликни юмшатиш учун бундан буён ҳам огоҳмай кураш олиб боради, бутун дунёда тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ҳозирги халқаро вазиятни эътиборга олиб, Ватанимизнинг мудофаа қувватини янада кучайтириш учун зарур чораларни кўришга ва мамлакат мудофааси ишларига ажратиладиган маблағларни шу йилдагига нисбатан 1,1 миллиард сўм миқдорида кўпайтиришга мажбур бўлдилар. СССРнинг 1967 йилги Давлат бюджетида СССР Қуролли Кучлари учун қилинадиган харажатларнинг умумий суммаси 14,5 миллиард сўм миқдорида кўзда тутилди. Бу — бюджетдаги барча харажатларнинг 13,2 процентини ташкил этади.

Иқтисодий системамизнинг, бошқариш формалари ва методларининг такомиллаштирилиши давлат, жамоат ва хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беради. Бу эса, давлатни бошқаришда меҳнаткашларни янада кенг қатнаштиришни, совет органларининг ишларини оммага кенг маълум қилишни, қонунчиликни мустаҳкамлашни, бюрократизм ва расмиятчиликка қарши қатъий кураш олиб боришни кўзда тутади.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот халқ хўжалигида бошқариш аппаратини янада такомиллаштириш ва арзонлаштириш учун ҳам қулай шарт-шароитлар вужудга келтиради. Янги иш шароитига кўчирилган корхоналар ва хўжалик ташкилотлари бошқаришни рационал ташкил этишдан ва идора харажатларини бутун чоралар билан қисқартиришдан тобора кўпроқ манфаатдор бўлмоқдалар.

Докладчи айтдики, 1967 йилги халқ хўжалик планида барча иттифоқдош республикаларнинг экономикаси ва маданиятини янада тез ривожлантириш кўзда тутилади.

Иттифоқдош республикаларнинг бюджетлари СССРнинг 1967 йилги Давлат бюджети лойиҳасига жами 52,7 миллиард сўм миқдорида киритилди. СССР Давлат бюджетининг умумий ҳажмида иттифоқдош республикалар бюджетларининг салмоги 47,9 процентни ташкил этади.

Айрим иттифоқдош республикалар 1967 йилги бюджетларининг лойиҳалари қуйидаги суммаларда белгиланади:

(миллион сўм ҳисобида)	
РСФСР	27.630
Украина ССР	9.876
Белоруссия ССР	2.063
Ўзбекистон ССР	2.221
Қозоғистон ССР	3.977
Грузия ССР	978
Озарбайжон ССР	1.005
Литва ССР	931
Молдавия ССР	599
Латвия ССР	653
Қирғизистон ССР	598
Тожикистон ССР	538
Арманистон ССР	638
Туркманистон ССР	519
Эстония ССР	454

1967 йилда республикаларнинг халқ хўжалигини ривожлантириш учун 41,5 миллиард сўм, шу жумладан, бюджет ҳисобидан 21,6 миллиард сўм ва хўжаликларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 19,9 миллиард сўм сарф қилинади.

Иттифоқдош республикалар бўйича социал-маданий тадбирларга бўладиган харажатлар 29,2 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Бу — шу йилдаги харажатлардан 1,5 миллиард сўм ортиқдир. Иттифоқдош республикалар бюджетлари бўйича давлат харажатларининг қарийб 70 проценти социал-маданий тадбирларга ажратилади. СССР Давлат бюджетида иттифоқдош республикаларнинг даромадлари ва харажатларини баланслаш учун ҳар бир иттифоқдош республика бўйича оборот солиғидан табақалаштирилган ажратмаларни жами 17,7 миллиард сўм миқдорида белгилаш кўзда тутилади. Бундан ташқари, халқ хўжалик планида кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш учун иттифоқ бюджетидан қўшимча равишда Ўзбекистон ССРга 251 миллион сўм, Қозоғистон ССРга 887 миллион сўм, Туркманистон ССРга 82 миллион сўм ажратилади.

Ҳукумат 1967 йилги бюджет лойиҳаси билан бирга, СССРнинг 1965 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам СССР Олий Советининг тасдиқига топширади. Бу бюджет даромадлар бўйича 102,3 миллиард сўм, ёки 100,8 процент ва харажатлар бўйича 101,6 миллиард сўм, ёки 100,2 процент миқдорида бажарилган. Даромадлар харажатлардан 0,7 миллиард сўм ортиқ бўлган.

В. Ф. Гарбузов докладининг охирида қуйидагиларни айтди:

Келгуси, 1967 йил мамлакатимизнинг ҳаётида алоҳида ўрин олади. Совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини байрам қилади. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари янги, юбилей йили янги ажойиб ғалабалар йили, халқ хўжалигини янада тез ривожлантириш, халқ фаровонлигини тағин ҳам юксалтириш йили бўлажагига қаттиқ ишонгани ҳолда, ана шу янги, юбилей йилига қадам қўймоқдалар. Келгуси йилда партия XXIII съезди ишлаб чиққан йирик иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида катта қадам қўйилади.

Халқаро ҳаёт

СССР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҚАҲР ВА ҒАЗАБИ

ВЦСПС БАЁНОТИ

13 декабрда АҚШ империалистлари Вьетнамда яна бир разил жиноят қилдилар. Улар Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти — Ханой ичкарисидаги ва унинг атрофларидаги турар жой маҳаллаларини бомбардимон қилдилар. Америка авиациясининг босқинчилик ҳужуми натижасида шаҳарда ёнғин чиқиб ўнларча уйлар вайрон бўлди, тинч аҳоли орасида бир неча ниши қурбон бўлди.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари агрессорларнинг Вьетнам халқига қарши қилган янги ёвузлиги тўғрисидаги хабарларни эшитиб ғоят ғазабландилар. Ана шу вахшиёна урушни кенгайтириш йўлида қўйилган навбатдаги қадам учун бутун жавобгарлик Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг зиммасига тушади.

Биз Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни ҳеч бир шартсиз дарҳол абадий тўхтатишни, Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинларини олиб чиқиб кетишни ва унинг территориясидаги ҳамма ҳарбий базаларни тугатишни талаб қиламиз. Вьетнам проблемаси Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати билан Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг позициясига мувофиқ равишда ҳал қилиниши лозим.

Совет касаба союзлари СССР меҳнаткашлари Вьетнам халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган адолатли кураши билан тўла бирдам эканликларини яна бир карра айтадилар. Улар жаҳон касаба союзлари федерацияси бош кенгашининг жаҳон меҳнаткашлари ва касаба союзларига мурожаат қилиб, Америка империализмининг Вьетнамдаги агрессиясини дарҳол тўхтатишга эришишга қилган даъватини қатъиян қўллаб-қувватлайдилар. Биз ўзимизнинг актив ҳаракатларимиз билан бундан буён ҳам Вьетнам меҳнаткашларига ва касаба союзларига ҳар томонлама ёрдам ва мадад кўрсата берамиз.

Вьетнамнинг қаҳрамон халқи ғалаба қозонажак!

БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ.

БУНДЕСТАГДА КИЗЕНГЕР БАЁНОТИ

БОНН, 14 декабрь. (ТАСС). Германия Федератив Республикасининг янги канцлери Кизингер кеча Бонн бундестагида ҳукумат баёнотини ўқиб берди. Ҳукумат,—дейди у,—«сиёсий кескинликни йўқотишга ва қуролланиш пойгасини зиёнлантиришга ёрдам берадиган изчил ва таъсирчан тинчлик сиёсати ўтказиш тарафдоридир».

Бироқ, сўнгра Кизингер ўзининг шу гапига зид қилиб, «қайта бирлаштирилган Германиянинг чегаралари умумгерман ҳукумати билан масалаларни эркин келишиб бартараф қилиш натижасидагина белгиланиши мумкин», деди.

Канцлер, мен бошчилик қилаётган ҳукумат «ўзини бутун немис халқи номидан гапиришга ҳақли бўлган бирдан-бир герман ҳукумати, деб ҳисоблайди», деди. Баёнотда, Гарбий Германия ҳукумати Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси маъмурлари ўртасида «зарур алоқалар» боғлаш йўлини тутади, бироқ бу нарса иккинчи герман давлатини таниш» деган маънони билдирмаслиги лозим, дейилади.

Кизингер Германия Федератив Республикасининг ҳукумати «атом қуролини тасарруф қилиш миллий ҳуқуқини олишга ёки шу қуролни миллий мулк қилиб олишга интилмайди», деди. Бироқ янги ҳукумат бу истакдан воз кечганлиги ҳукуматнинг бу баёнотидан кўринаётгани йўқ.

Канцлер, менинг ҳукуматим, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатларни яхшилашни истайди, деди.

Ҳукумат баёнотининг анчагина қисми ички сиёсий аҳволга бағишланади. Кизингер экономиканинг стабиллигини таъминлаш ва 1967 йилги давлат бюджетида рўй бериши кўриниб турган 3,3 миллиард маркадан иборат дефицитни йўқотиш мақсадида «қаттиқ чоралар» кўришни талаб қилди. Экономика, деди Кизингер, «ялпи пасайиш хавфи» остида турибди, мамлакатнинг келажак молиявий аҳволи эса «мудҳиш-роқ» бўлиб кўринмоқда. Ҳукумат, деди канцлер «солиқларни оширишдан воз кечолмайди».

15 декабрда бундестагда ҳукумат баёнотини муҳокама қилиш бошланади.

МИКОЛАЙЧИК ЎЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 14 декабрь. (ТАСС). Лондондаги поляк эмигрант ҳукуматининг собиқ бош министри ва урушдан кейинги дастлабки йилларда Польшадаги антикоммунистик кучларнинг раҳбари С. Миколайчик кеча Вашингтонда 65 ёшда ўлди. С. Миколайчик 1947 йилнинг ноябрида Польшадан қочиб кетганидан кейин Америка Қўшма Штатларида яшаб келмоқда эди.

Швейцариянинг янги президенти

БЕРН, 14 декабрь. (ТАСС). Бугун эрталаб Швейцария парламентининг ҳар икки палатаси — Миллат кенгаши ва Кантонлар кенгашининг қўшма мажлисида Роже Бонвэн мамлакатнинг 1967 йилги президенти қилиб сайланди.

Аргентинада қимматчилик авж олмоқда

ГАВАНА, 14 декабрь. (ТАСС). Аргентинада кейинги 11 ой ичида кун кечириш ўрта ҳисобда 17 процент қимматлашди. Аргентина бош статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, шу давр ичида квартира ҳақи 123 процент ошган. Пренса Латина агентлигининг мухбири шу тўғрида Буэнос-Айресдан хабар қилди.

СИЗЛАР УЧУН, ЁШ СЕРГИЛИЛИКЛАР

Агар самолётдан Сергилига қарасангиз жуда кўп нуқталар кўзга ташланади — булар совет ҳарбийларининг қўллари билан қурилган уйлар. Бугун Сергилида иккинчи янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. 420 ўқувчига мўлжалланган бу кўркам мактабда физика, химия, биология кабинетлари мавжуд. Буфет ҳам ўқувчилар хизматида.

Қизил Байроқли Болтиқ флотининг ҳарбийлари 5 ой муддат давомида ана шу янги мактабни қуриб битказдилар. Айниқса сержант Николай Копосов раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари ишда алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Улар ўқувчилар учун янги йил арафасида муносиб совға тайёрладилар.

— Фақат аъло ўқингиз, бизни ялтириб қўймангиз,— дейишди улар ўқувчиларга.

Суратларда: Сергилида қурилган янги мактаб биноси ва пастда 4-синфда дарс вақти.

Фото ҳам текст Н. Глауберзоннники.

ҲАЛОЛ ЎЙИНИ УЧУН

ФУТБОЛ

Бугун биз XXVIII мамлакат футбол чемпионатининг охирги жадвалини эълон қиляпмиз. Бунда биринчи группада қатнашган командалар составининг футбол мавсумида неча марта огоҳлантириш олгани ёки ўйин қоидасини бузган ўйинчининг майдондан чиқариб юборилгани қайд этилган. «Ч» — устуни майдондан ҳайдаб чиқарилган, «О» — огоҳлантириш, «Ж» — устунида эса жарима очколар сони берилган. Жарима очколар қуйидагича тақсимланади: бир марта огоҳлантириш — бир очко, бир ўйинчини майдондан чиқариб юбориш — 3 очко.

	Ч.	О.	Ж.
1. «Черноморец»	0	3	3
2. «Локомотив»	0	3	3
3. «Динамо» Тб.	1	0	3
4. ЦСКА	0	5	5
5. «Нефтяник»	1	2	5
6. «Пахтакор»	1	3	6
7. «Қайрат»	1	3	6
8. «Кр. Советов»	1	4	7
9. «Шахтёр»	1	5	8
10. «Динамо» Мн.	1	6	9
11. «Арарат»	1	6	9
12. «Динамо» К.	2	5	11
13. «Зенит»	2	6	12
14. СКА Р.	2	6	12
15. «Торпедо» М.	2	7	13
16. «Торпедо» К.	3	4	13
17. СКА Од.	2	8	14
18. «Спартак»	2	9	15
19. «Динамо» М.	3	7	16

Жадвалдан кўринии турибдики, фақат уч коллектив — «Черноморец», «Локомотив» ва Марказий армия спорт клуби командаларидан бутун мавсум давомида биронта ҳам ўйинчи майдондан чиқариб юборилмади. Ўтган йили 24 жарима очко билан жазоланган тбилисилик динамочилар ҳам бу йил яхши ўйнадилар. Лекин ҳужумчи Майсурадзенинг бир марта майдондан чиқариб юборилганлиги командани «ҳалол ўйин учун» белгиланган мукофотдан маҳрум қилди. Асосий ва дублёр составларининг бу соҳада яхши кўрсаткичлари туфайли «ҳалол ўйин учун» мукофотини бу йил биринчи марта денгизчилар Одессага олиб кетишди.

Мавсум бошидан буён фақат асосий составларда ўйнаган 27 футболчи майдондан чиқариб юборилди (1965 йилда ҳаммаси бўлиб 27 ўйинчи чиқариб юборилган эди). Мана шу фактнинг ўзи ҳам, биринчи эшелонда қатнашадиган командалар раҳбарларидан кишки тайёргарлик даврида тарбиявий ишларни янада кучайтиришни талаб қилади.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Ўғри бургут

Монтер В. Рубашов Львов областидаги Турково районига қарашли тепалик устидан ўтадиган телефон линиясида ончамунча камчиликларни тузатиб юрган эди. Монтер ишлаётган симёғочдан бир неча метр нарида нонушта ва бошқа асбоблари солинган сумкаси турарди. Қаёқдандир жуда катта бургут пайдо бўлди ва у симёғоч устида айлана бошлади. Сўнг бургут худди тош сингари ерга отилиб тушди-да, 3 килограммлик сумкани кўтариб симёғоч тепасига қўнди. Рубашов сумка тўғрисида эмас, кўпроқ асбоблар тўғриси да қайгуриб, ҳар эҳтимолга қарши бургутга қараб бургусини отди. Бургу нишонга бориб тегди! Бургут ўлжасини ташлаб, рақибининг устида айлана бошлади. Бироқ, унга ҳужум қилишга журъат этолмай, узоқ-узоқларга учиб кетди.

Бинт ўрнида сув ўтлари

Камчаткада жойлашган ва яқиндагина 20 йиллик юбилейини нишонлаган «Паратунка» санаторияси иссиқ сувли булоқлардаги кўк-яшил сув ўтларини даволаш учун қўлланиш жиҳатидан Совет Иттифоқида ягона даволаш муассасасидир.

Махсус ҳовуздаги ер ости суви 40-41 даража иссиқликка етганда ва кун узайган пайтларда ҳовузнинг сатҳи яшил, кўк ва ҳатто сариғ рангдаги қалин сув ўтлари пардаси билан қопланади. Уларнинг бир қисми йиғиб олиниб, оғир тери касалликларини даволаш учун доривор сифатида фойдаланилмоқда.

Тезлик учун... жарима

КАРЛСКРОН. Бу Пантархольсзунд кўлида юз берди. Маҳаллий сузиш командаси — тўрт киши кўлда машқ қиларди. Шу куни болаларнинг иши ўнгидан келди. Улар сув юзида «худди метеор» каби тезлик билан сузишиб, жуда яхши вақтни кўрсатишди. Бироқ, уларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Кутилмаганда уларнинг ёнига «сув полицияси» сўзлари ёзилган қайиқ келиб тўхтади...

Полициячилар улардан 35 крон жарима тўлашни ёки Пантархольсзунд кўлидан чиқиб кетишни талаб қилибди. Хўш, спортчиларнинг «айби» нимада? Маълум бўлишича, улар кўлдаги қайиқлар учун белгиланган тезликни ошириб юборишибди ва бу билан яхтачилар ҳамда балиқчиларнинг тинчлигини бузишибди. Спортчилар бировларни тез сузгани учун медаллар ва қимматли совғалар билан мукофотласа, бошқаларга жарима солишидан ҳайрон бўлиб, нисса-ларини титкилай бошлашибди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

№ 285. ИНДЕКС 64543. Р—06910.